

Аллома Мухаммад Солих Усаймин раҳимахуллох

Иймон асосларининг шархи

Барча мактовлар Аллох таъологагина хосдир. Биз Унга ҳамду санолар айтиб, тавба киламиз ва Ундан ёрдам ҳамда нафсимизнинг ёмонликларидан панох сўраймиз. Аллох хидоятлаган кимсани адаштирувчи ва адаштирган кимсани хидоятловчи зот йўқдир. Ва мен: «Шериксиз, ягона Аллох таъолодан ўзга илох йўк ва Мухаммад Унинг бандаси ва элчисидир»- деб гувоҳлик бераман. Унга, Унинг оиласи, сахобалари ва Унга эргашган барча кимсаларга Аллохнинг салавот ва саломлари бўлсин.

Тавхид илми – илмларнинг энг шарафлиси, энг буюги ва энг зарурийсидир. Чунки у – Аллох таъолони, Унинг исмлари, сифатлари ва бандалари устларидаги ҳуқуқларини билиш, демакдир.

Тавхид илми – Аллох томон бўлган йўлнинг калиди ва шариатларнинг негизидир. Шунинг учун ҳам пайгамбарлар тавхидга даъват этишда яқдил бўлдилар.

Аллох таъоло деди:

«Биз Сиздан аввал юборган ҳар бир пайгамбарга: «Ҳеч бир (ҳак) илох йўк, факат менгина (ҳак) илохдирман менгагина ибодат қилинглар!»- деб ваҳий қилганмиз» (Анбиё: 25).

Аллохнинг ваҳдониятига Аллох, Аллохнинг фаришталари ва илм ахллари гувоҳлик бердилар.

Аллох таъоло деди:

«Аллох, фаришталар ва илм ахллари – Ёлғиз Аллохдан ўзга (ҳак) илох йўк, факат унинг ўзи (ҳак) илох эканига гувоҳлик бердилар» (Оли Имрон: 18).

Тавхиднинг эътибори шу даражада бўлгани учун ҳам, ҳар бир мусулмон ўз динида яхши самара ва натижаларга эришиш учун уни ўрганишга ва бошқаларга ўргатишга катта эътибор бериши керак.

Ислом дини

Ислом – Аллох таъоло Мухаммад соллаллоху алайҳи ва саллам билан юборган дин бўлиб, у билан динларни нихоясига етказиб, бандалари учун Исломни ва неъматларини комил қилди-да, Исломни улар учун дин бўлиб қолишига рози бўлди. Энди бандадан Исломдан бошқа дин қабул қилинмайди.

Аллох таъоло деди:

«(Эй мўминлар) Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) сизлардан бирон эр кишининг отаси эмас. Балки, у, Аллохнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисидир» (Ахзоб: 40);

«Бугун мен сизларга динимни комил, неъматларимни тўла килдим ва Исломни дин деб ихтиёр этдим» (Моид: 3);

«Албатта Аллох наздидаги (макбул бўладиган) дин – Исломдир» (Оли Имрон: 19);

«Исломдан бошка динни излаган кимсадан, (шу дини) кабул килинмас ва у охиратда зиёнкорлардан бўлур» (Оли Имрон: 85).

Дархакикат, Аллох таъоло барча одамларга ўзига Ислом дини билангина итоат килишларини фарз килиб, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга хитоб килди:

«(Эй, Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), айтинг: «Эй инсонлар, албатта мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллохнинг элчисиман. У шундай Зотки, Ер ва осмонлар Унинг мулкидир. Хеч қандай (хак) илох йўқ, факат унинг Ўзи (хак) дар. У хаёт бахш этади ва ўлдиради. Аллох ва Унинг элчисига – Аллохга ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайгамбарга иймон келтиринглар ва унга эргашиглар! Шояд хидоят топарсизлар!»» (Аъроф: 158).

Имом Муслимнинг «Сахих» ида ушбу хадис ривоят килинган: **«Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Мухаммаднинг жони кўлида бўлган зотга касам-ки, бу Уммат¹ ичидаги яхудий ва насронийларнинг биронтаси мен олиб келган нарсаларни эшитсаю, уларга иймон келтирмай вафот этса, жаханнам ахлидан бўлади»- дедилар».**

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам олиб келган нарсаларга иймон келтириш эса, курук тил билан эмас, балки, тасдиклаш уларни кабул килиш ва уларга итоат этиш биландир. Шунинг учун ҳам, (расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг амакиси) Абу Толиб мўъмин бўла олмади. Зеро, у, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам олиб келган динни тасдиклаган ва: **«Бу дин – барча динлар ичидаги энг яхши диндир»- деб гувоҳлик берган эди.**

Ислом дини – аввалги динлар ўз ичига олган барча салохиятларни кафолатлаш билан бирга, хар бир замон, хар бир макон ва хар бир халкка ярокли бўлиши билан ажралиб туради. Аллох таъоло Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга хитоб килиб шундай деди:

¹ Умматдан мурод пайгамбармиздан кейин то киёматгача яшаб ўтган барча кофиру мусулмон инсонлар, буни умматуд-даъва дейилади. Пайгамбарга эргашган ва иймон келтирганларга умматул – ижоба дейилади.

«Биз Сизга ўзидан аввалги Китобларни тасдиқловчи ва у (китоб)лар устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост номил қилдик» (Моида: 48).

Исломининг барча замон, макон ва халкларга яроқли эканининг маъноси: «Уни қабул қилиш бир замондаги халклар манфаатига зид эмас. Балки, уларнинг салоҳиятидир», демакдир. Унинг маъноси, баъзи одамлар тушунганидек, барча замон ва халкка бўйсунди, дегани эмас.

Ислом дини – ҳақ дин бўлиб, Аллоҳ таъоло уни маҳкам ушлаган кишиларга ёрдам бериш ва уни бошқа динлар устига голиб қилишни қафолатлади. Аллоҳ таъоло деди:

«У (Аллоҳ) – гарчи мушриклар ёқтирмасалар-да, Ўз пайгамбарини Хидоят ва Ҳақ дин билан уни барча динларга голиб қилиш учун юборган Зотдир» (Соф: 9)

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган кишиларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) кишиларни (Ер юзига) халифа – ҳукмрон қилганидек уларни ҳам Ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (ахволини Маккада кўрган) хавфу-хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишини ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, улар итоатсиз қимсалардир» (Нур: 55).

Ислом дини - мукаммал эътиқод ва мукаммал шариатдир. У, Аллоҳнинг ваҳдониятига амр этиб, ростгўйликка буюриб, ширкни ва ёлгон сўзлашни таъқиқлаган.

Хуллас, Ислом барча фазилатли хулқлар ва эзгу ишларга буюриб, барча пасткашликлар ва ёмон ишларни таъқиқлаган.

Аллоҳ таъоло деди:

«Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуклик , ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У Зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насихат қилур» (Наҳл: 90).

Ислом рукнлари

Ислом рукнлари, яъни, Ислом асосланадиган асослар, Абдуллоҳ ибн Умар разияллоху анху расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилган ушбу ҳадисда баён қилинганидек, бештадир: **«Ислом беш нарсага асосланган: «Аллоҳни ягоналаш (бошқа бир ривоятда: Аллоҳдан ўзга (ҳақ)илоҳ йўқ ва Мухаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир- деб гувоҳлик бериш), намозни**

тўкис адо этиш, закотни бериш, рамазон ойининг рўзасини тутиш ва хаж килиш» (Муттафакун алайх)¹. Лафз имом Муслимниқидир.

«Ла илаха иллаллох ва Мухаммадур-расулуллох»- деб гувоҳлик бериш, тил билан талаффуз ва калб билан эътикод килиш, демақдир. Зеро, ушбу гувоҳлик, гувоҳлик берилган нарсалар турли бўлса-да, ягона бир рукн килинди. Бунинг сабаби, ё расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Аллох томонидан етказувчи бўлиб, Унинг банда ва пайгамбар эканига гувоҳлик бериш «ла илаха иллаллох» (Аллохдан ўзга (*хак*) илох йўк)- деб гувоҳлик беришнинг тўлдирувчиси экани, ёки бу икки гувоҳлик амалларнинг тўғри ва қабул бўлишининг асоси эканлиғидир. Чунки Аллох таъолога бўлган ихлос ва Унинг пайгамбарига эргашиш билангина, амаллар тўғри ва қабул бўлади. Демақ, Аллох таъолога бўлган ихлос билан «Ла илаха иллаллох» деб гувоҳлик бериш рўёбга чиқса, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашиш билан «Мухаммад – Аллохнинг бандаси ва элчисидир»- деб гувоҳлик бериш рўёбга чиқади.

Ушбу гувоҳлик самараси – калб ва нафснинг махлуқларга кул бўлиш ва пайгамбарлардан бошқа кимсаларга эргашишдан озод бўлишидир.

2. Намозни тўкис адо этиш – намозни ўз вақтида узлуксиз ва мукаммал адо этиш билан Аллох таъолога куллиқни адо этишдир.

Ушбу асоснинг самараси – юракнинг кенглиги, хурсандлик хамда хаёсизлик ва гуноҳ ишлардан тийилишдир.

3. Закотни бериш – белгиланган муайян миқдор – нисоб-га етган бойликдан белгиланган муайян миқдорни бериш билан Аллох таъолога куллиқни адо этишдир.

Бунинг самараси – нафсни разил хулқ – хасисликдан поклаш хамда Ислом ва мусулмонлар эҳтиёжини қондириш.

4. Рамазон ойининг рўзасини тутиш – рамазон ойининг кундузида рўзани бузадиган барча нарсалардан тийилиш билан, Аллох таъолога бўлган куллиқни адо этишдир.

Бунинг самараси - Аллохнинг розилиғи учун севимли бўлган нарсаларни тарк килиш билан, нафсни чиниктиришдир.

5. Хаж килиш – хаж анъаналарини килиш учун Қаъбатуллохни қасд килиш билан, Аллох таъолога ибодат килишдир.

Хажнинг самараси эса, Аллох таъолога итоат килиш йўлида молиявий чикимлар ва жисмоний кучларни сарфлаш учун нафсни чиниктиришдир. Шунинг учун хам хаж, Аллох таъоло йўлида қилинган жиход турларидан бири ҳисобланади.

¹ «Муттафакун алайх» Имом Бухорий ва имом Муслим бирон ҳадисни айни ровийдан ривоят қилганларига айтилади, ҳадисларнинг лафзи фарқли бўлиши мумкин.

Ушбу асосларнинг биз эслатган ва эслатмаган барча томонлари, халклар ичидан, Аллох таъоло учун ҳақ динини қабул қилган ва махлуқотлар билан адолат ва ростгўйлик асосида муносабат ясайдиган пок Ислом умматини келтириб чиқаради. Зеро, Исломнинг бундан бошқа қирралари, ушбу асосларнинг салоҳиятли бўлиши билангина тузалади. Уммат ахволининг ёмонлашиб бориши, унинг дин ишларининг ёмонлашишига қараб бўлади.

Бу сўзларнинг ҳақиқатини билмоқчи бўлган одам, Аллох таъолонинг ушбу оятларини ўқисин: **«Агар у кишлоқларнинг (жойнинг) аҳли иймон келтириб, такводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону Ердан баракот (дарвозаларини) очиб қўйган бўлур эдик. Лекин улар (элчиларимизни) ёлгончи қилдилар, шунда биз уларни ўзлари қилган гуноҳлари сабабли жазоладик. У кишлоқларнинг аҳли бало-казойимиз тунда, ухлаётган ҳолларида келиб қолишидан хотиржаммилар?! Ё у кишлоқларнинг аҳли бало-казойимиз чошгоҳ пайтида, улар ўйин-қулги қилаётган ҳолларида келиб қолишидан хотиржаммилар? Улар Аллохнинг макридан хотиржам бўлиб қолдиларми? Аллохнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавмгина хотиржам бўлур».** (Аъроф: 96 – 99).

Ушбу ҳақиқатларни билмоқчи бўлган одам, ўтмиш тарихга назар солсин. Тарихда ақлли ва қалби пардалар билан тўсилмаган қимсалар учун ибрат бордир. Ҳақиқатни билишда Аллох таъолонинг ўзи ёрдамчи бўлсин!

Ислом эътиқодининг асослари

Ислом, муқаддам зикр қилиб ўтганимиздек, эътиқод ва шариатдир. Биз Ислом шариатининг бир қиррасига ишора қилиб, шариат асоси деб саналган руқнларининг эслатиб ўтдик, ҳолос.

Энди, Ислом эътиқоди ҳақида сўз юритсак, унинг асослари – Аллох таъолога, Унинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират қуни ҳамда тақдирнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришдир.

Ушбу асосларни Аллох таъолонинг Китоби ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари баён қилиб берди.

Аллох таъоло Куръон Қаримда шундай деди:

«Эзгулик – юзингизни мағриб ва машрикка буришингиз эмас. Балки, эзгулик - Аллох таъолога, охират қунига, фаришталарга, Куръонга ва пайгамбарларга иймон келтириган кишиларнинг эзгулигидир ...» (Бақара: 177).

Аллох таъоло тақдир ҳақида шундай деди:

«Биз ҳар бир нарсани (аниқ) меъёр билан яратдик. (Яратмоқчи бўлган ҳар бир нарсамиз учун) Бизнинг фармонимиз

факат биргана (яъши, «Бўл» деган) сўздир. (Ўша нарса) кўз юмиб очгунча (йўкдан бор бўлур)» (Камар: 49, 50).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам иймон хакида савол берган Жаброил алайхиссаломга жавоб бериб: **«(Иймон): - Аллох таъолога, Унинг фаришталари, китоблари, пайгамбарлари, охират куни хамда тақдирнинг яхши ва ёмонига ишонишингиздир»**- дедилар (Имом Муслим ривояти).

Аллох таъолога иймон келтириш

Аллох таъолога бўлган иймон тўрт нарсани ўз ичига олади:

1. Аллох таъолонинг борлигига иймон келтириш.

Аллох таъолонинг борлигига фитрат-тугма табиат¹, акл, шариат ва сезги аъзолари далолат килади.

А) Аллох таъолонинг борлигига фитратнинг далолати.

Барча инсон илгари фикр ва таълим берилмаса-да, ўз яратувчисига иймон келтириш билан табиатланган. Ушбу фитратдан, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг куйидаги хадисларида баён килинганидек, калбига ўрнашиб колган баъзи нарсалар сабаблигина воз кечилиши мумкин:

«Хар бир чакалок фитрат билан тугилади. Уни ота-онасигина яхудий, насроний ёки мажусий (килиб тарбия) килади» (Имом Муслим ривояти).

Б) Аллох таъолонинг борлигига аклнинг далолати.

Махлуқотларнинг аввалгилари ва кейингиларининг яратувчи – Холики бўлиши керак. Чунки, улар ўзларини ўзлари яратишлари, ёки тасодифан яралган бўлишлари мумкин эмас. Улар ўзларини ўзлари ярата олмасликлари мукаррардир, чунки ҳеч бир нарса ўзини ўзи ярата олмайди. Бунинг сабаби, у яралишдан аввал йўк эди. Шундай экан, у қандай килиб Холик бўла олсин?!

Махлуқлар тасодифан вужудга келиши ҳам мумкин эмас. Хар-бир мавжуд нарсанинг вужудга келтирувчиси бўлади. Махлуқларнинг хайратомуз, ўзаро мутаносиб сабаблар ва мусаббаблар (сабаблантирилган нарсалар) хамда мавжудотларнинг ўзаро бир-бирлари ўртасидаги чамбарчас боғлиқликлар низомида мавжуд бўлиши, уларнинг тасодифан вужудга келганларини бутунлай инкор этади. Чунки, вужудга келиш, пайдо бўлиш асносида низомсиз тасодиф бўлар экан, қандай килиб яшаш ва ривожланиш ҳолатларида интизомли бўлсин?!

Агар махлуқлар ўзларини ўзлари вужудга келтира олмас ва тасодифан вужудга келмас эканлар, уларни вужудга келтирувчи зот

¹ -Фитрат деб Оллохнинг хар бир инсонни ёлғиз ўзига иймон келтиришга табиатлантириб кўйганига айтилади. Агар инсонни таълим-тарбиясиз ташлаб кўйилса, у албатта Аллохни танишга ўз-ўзидан ҳаракат килади ва бу улуг зотни калбидан хис килади.

бўлиши керак. У эса, Оламларнинг Роббиси бўлган Аллох таъолодир.

Аллох таъоло бу аклий далилни «ат-Тур» сурасида зикр килиб деди:

«Улар хеч нарчасиз (яъни яратувчисиз) яралдиларми? Ёки улар ўзлари яратувчиларми?» (ат-Тур: 35).

Аллох таъоло бу оятда уларнинг яратувчисиз яралмаганлари, хамда ўзларини ўзлари яратмаган эканларини баён килди. Натижада, уларнинг яратувчиси Аллох таъоло экани маълум бўлди.

Шунинг учун хам, Ислом динини қабул килишдан аввал, мушриклик пайтида расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг «Тур» сурасидан **«Улар хеч нарчасиз яралдиларми? Ёки улар ўзлари яратувчиларми? Ёки Осмонлар ва Ерни яратдиларми? Йўк, улар ишонмаслар. Балки уларнинг хузурларида Раббингизнинг хазиналари бордир, ёки улар хукмронмилар?!»** (Тур: 35 – 37) оятларини ўқиётганини эшитган Жубайр ибн Мутъим разияллоху анху: **«Бу оятларни эшитар эканман, сесканиб кетдим. Чунки бу, калбимга иймон ўрнашган илк лахзалар эди»**- деди (Имом Муслим ривояти).

Буни ойдинлаштириш учун бир мисол келтирамиз. Бир киши сизга остидан анхорлар окиб ўтадиган бўстонлар билан ўралган, гиламлар тўла тўшалган, энг чиройли безаклар билан безатилган ва оилалар жойлашган мухташам каср бор ва у ўзини ўзи куриб олган, ёки ўз-ўзидан тасодифан пайдо бўлган, деб айтса, сиз зудлик билан унинг сўзларини рад этишга, ёлгон ва бемаъни деб хукм килишга шошиласиз. Шундай экан, Ер, Осмон ва сайёраларни ўз ичига олган хамда хайратомуз ахволлари ва низоми бўлган ушбу улкан Коинот, ўзини ўзи яратиши, ёки яратувчисиз яралиши мумкинми?!

В) Аллох таъолонинг борлигига шариатнинг далолат килиши.

Барча самовий китоблар Аллох таъолонинг бор эканини баён килди. Ушбу китоблар олиб келган ва бандалар манфаатини кафолатловчи хукмлар, ўз бандаларининг манфаатларини билувчи хикмат сохиби ва улар олиб келган ва воқеий хақиқат деб гувоҳлик берган Коинот хақидаги хабарлар, ўзининг хабар берган нарчасини яратишга кодир бўлган Раб тарафидан эканига далолат килади.

Г) Сизги аъзоларининг Аллох таъолонинг бор эканига далолати.

Сизги аъзолари Аллох таъолонинг бор эканига икки жихат билан далолат килади:

Биринчи жихат:

Биз дуо килувчиларнинг дуолари, мусибатланганларнинг ёрдам сўраб килаётган чакириклари ижобат бўлаётганини кўриб,

эшитмокдамиз. Мана шунинг ўзи Аллох таъолонинг бор эканига катъий далилдир.

Аллох таъоло деди:

«Нух (хам) илгари дуо килган эди, биз уни (нг дуосини) ижобат килдик» (Анбиё: 76);

«Ўшанда сизлар Парвардигорингиздан мадад сўраганингизда, Раббингиз сизларага ижобат килди» (Анфол: 9).

Имом Бухорий ўзининг «Сахих» ида Анас ибн Молик разияллоху анхудан ривоят килди: **«Жума куни расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам хутба ўкир эканлар, бир сахройи кириб келдида: «Эй, расулуллох, моллар халок бўлди, болалар оч колди. Аллохга дуо килинг, биздан бу кургокчиликни кўтарсин»- деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўлларини кўтариб, дуо килдилар. Осмонда бир парча хам булут йўк эди, дуо килиб кўлларини тушурмадилар хамки осмонда тоғ мисоли булутлар кўзгалди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам минбардан тушганларида соколларидан ёмгирлар окиб тушар эди.**

Келгуси жума ўша сахройи ёки бошка бир одам ўрнидан туриб: «Эй, расулуллох, бинолар вайрон бўлиб, моллар халок бўлди-ку! Аллох таъолога дуо килинг, биздан буни кўтарсин!» - деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кўлларини кўтариб: «Илохим, бизга эмас, атрофларга ёгдир»- дедилар. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам кайси тарафга (кўллари билан) ишора килсалар, булутлар ўша тарафга парчаланиб, ёмгир тинди».

Хозирги кунимизга кадар Аллох таъолога садокат билан илтижо килган хамда ижобат бўлиш шартларини тўла адо этган кишилар учун дуоларининг кабул бўлаётгани, кўриниб турибди.

Иккинчи жихат:

Пайгамбарларга берилган ва одамлар кўриб, эшитган хамда «мўжиза» деб аталган нарсалар хам, пайгамбарларни юборган зот – Аллох таъолонинг бор эканига катъий далилдир. Чунки мўжизалар башар токатидан четда бўлган хамда Аллох таъоло ўз пайгамбарига мадад ва ёрдам бўлсин учун жорий килган ходисалардир.

Бунинг мисоли Мусо алайхиссолату вассаломнинг асо (хасса) сидир.

Аллох таъоло Мусо алайхиссолату вассаломни асоси билан денгизни уришга амр этди. Мусо алайхиссолату вассалом асолари билан денгизни урдилар. Денгиз куп-курук ер бўлиб, ўн иккига айри бўлинди. Йўлнинг икки четидаги сувлар тоғлар каби савлат тўкиб турар эди.

Аллох таъоло деди:

«Биз Мусога : «Асонгиз билан денгизни уринг!»- деб вахий килдик. (У урган эди), денгиз бўлинди. Хар бир бўлак (сув) улкан тоғлардек бўлди» (Шуаро: 63).

Иккинчи мисол: Ийсо алайхиссолату вассаломнинг Аллох таъолонинг изни билан ўликларни тирилтириб, кабрлардан чикарган пайтидаги мўжизаси:

Аллох таъоло деди:

«... ва Аллох таъолонинг изни билан ўликларни тирилтираман» (Оли Имрон: 49).

« ... ва менинг изним билан ўликларни кабрларидан тирилтириб чикарасан» (Моида: 110).

Учинчи мисол: Курайш кабиласи талаб килганида Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам Ойга ишора килганларида, Ой иккига бўлинган ва одамлар кўриб гувоҳ бўлган мўжиза.

Аллох таъоло деди: **«Киёмат якинлашди ва Ой ёрилди. Агар улар мўжизани кўрсалар, юз ўгирадилар ва: «Бу доимий жоду»-деб айтадилар» (Камар: 1, 2).**

Аллох таъоло пайгамбарларига мадад ва ёрдам килиб содир этган хиссий мўжизалар, Аллох таъолонинг бор эканига катъий далолат килади.

2.Аллох таъолонинг рубубиятига иймон келтириш. (Яъни, Аллох таъолони шериксиз ва ёрдамчиси бўлмаган Раб, деб ишониш).

«Раб» - яратиш, эгадорлик ва буюриш сохиби бўлган зотдир. Яратувчи ва эгадор зот – Аллох таъоло бўлиб, буюриш унгагина хосдир.

Аллох таъоло деди:

«Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш факат Уни (Аллох) кидир!» (Аъроф: 54)

«Ана шу Аллох сизларнинг Раббингиздирки. Эгадорлик Унгагина хосдир. Аллох таъолодан ўзга, сизлар дуо килаётган олихалар заррача нарсага хам эга эмаслар» (Фотир: 13).

Аллох таъолонинг рубубиятини нима деяётганини билмайдиган мутакаббир кимсаларгина инкор этишлари мумкин. Бу ўз кавмига: **«Мен сизларнинг Раббингизман!»** (ан-Назиат: 24) ва: **«Эй, халойик, мен сизлар учун ўзимдан бошка илох бор эканини билмайман!»** (Касас: 38)- деб айтган Фиръавдан содир бўлди. У бу сўзларни эътикод нуктаи назаридан айтмаган эди.

Аллох таъоло деди: **«Ва ўзлари аник билган холларида зулм ва кибр килиб, у (мўжиза) ларни инкор этдилар.»** (Намл:14)

Аллох таъоло Фиръавн хакида хикоя килган оятда Мусо алайхиссолату вассалом дедилар:

«(Хой, Фиръавн), сен анави очик-равшан (мўъжизаларни) Самолар ва Ернинг Раббиси нозил қилганини аниқ билдинг. Мен сени халок қилингувчи деб ўйлайман» (Исро: 102).

Шунинг учун ҳам, мушриклар Аллох таъолога улухият бобида шерик қилсалар-да, Унинг рубубиятига икрор эдилар.

Аллох таъоло деди:

«(Эй Мухаммад уларга) айтинг: «Агар билсангиз (айтинглар-чи), Ер ва Ердаги борки нарсалар қимники?». Улар тезда: «Аллохники»- дейдилар. Сиз: «Бас, (шундан) ибрат-эслатма олмайсизларми?»- деб айтинг. Сиз: «Етти Осмоннинг хожаси ва Буюк Арш сохиби қим?»- деб айтинг. Улар тезда: «Улар Аллохники»- деб айтадилар. Сиз: «Ундай бўлса, Ундан кўркмайсизларми?»- деб айтинг. Сиз: «Агар билсангизлар, айтинглар-чи, барча нарсанинг эгадорлиги кўлида бўлган, ўзи хомийлик қиладиган, Унга қарши биров хомийлик қила олмайдиган зот қим?»- деб айтинг. Улар тезда: «Улар Аллохники»- деб айтадилар. Сиз: «Унда қандай алданиб қолмоқдасизлар?»- дерлар» (Муъминун: 84 – 89);

«Сиз мушриклардан: «Осмон ва Ерларни қим яратган?»- деб сўрасангиз, улар: «Азиз ва Алийм (билгувчи) бўлган зот»- деб айтадилар» (Зухруф: 9);

«Агар Сиз улардан: «ўзларини қим яратгани хақида сўрасангиз, улар: «Аллох»- деб айтадилар. Шундай экан, улар қаён бурилиб кетаяптилар» (Зухруф: 87).

Аллох таъолонинг фармони Коинот ва шариатдаги барча нарсани ўз ичига олади. Аллох таъоло ўз хикмати такозо этгани, Коинотда ўзи хоҳлаганидек ҳукм ва тартиб қилганидек, ибодат ва муомаларда ҳукмларини ўз хикматиға мувофиқ шаръий жорий қилишда ҳукм қилувчидир. Шунинг учун ҳам, ибодатлар ва муомалаларда Аллох таъоло билан бирга қонунчи ва ҳокимни ушлаган банд, иймонининг хақиқатини рўёбга чиқармаган мушрик бўлади.

3. Аллох таъолонинг улухиятиға иймон келтириш.

(Яъни, Аллох таъолонинг шериксиз ягона илох эканиға иймон келтириш).

«Илох» - «маълух», яъни, мухаббат ва улуглаш билан сизиниладиган маъбуд, демақдир.

Аллох таъоло деди:

«Сизларнинг илохингиз ягонадир. У Раҳмон, ва Раҳийм зотдан ўзга (ҳак) илох йўқдир» (Бақара: 163);

« Аллох, фаришталар ва илм ахллари – Ёлғиз Аллохдан ўзга (ҳак) илох йўқ, фақат унинг ўзи (ҳак) илох эканиға гувоҳлик бердилар » (Оли Имрон: 18).

Аллох таъоло билан бирга сизгинулаётган олихаларнинг илохлиги ботилдир.

Аллох таъоло деди:

«Аллох таъологина хак ва Ундан бошка сизгинулаётган олихалар ботилдир. Шубхасиз, Аллох таъоло Олий ва Хаким зотдир» (Хаж: 62).

У маъбудаларни олиха деб аташ, уларга ибодат килиш хукукини бермайди. Аллох таъоло Лот, Манот ва Уззо хакида шундай деди

«У (ном) лар факат сизлар ва ота-боболарингиз кўйиб олган номлардир. Аллох таъоло улар(га ибодат килиш) хакида бирон бир хужжат туширган эмас» (Нажм: 23).

Аллох таъоло Юсуф алайхиссалату вассаломнинг зиндондаги икки махбуга айтган сўзларини келтирди:

«Таркок – турли-туман «олихалар» яхширокми ёки Ягона ва Голиб Аллохми? Сизлар эса, У Зотни кўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган номлар – бутларгагина ибодат киласизлар. Ахир Аллох уларга (ибодат килиш хакида) бирон хужжат туширмаган-ку? (Юсуф: 39, 40).

Шунинг учун ҳам, барча пайгамбарлар ўз кавмларига: **«Аллох таъологагина ибодат килинглари! Сизлар учун Ундан бошка илох йўқдир»** (Аъроф: 59)- деб даъват қилганлар. Бу даъватдан мушриклар юз ўгириб, Аллох таъолодан ўзга махлукларни олиха қилиб сизгинудилар ва улардан ёрдам сўрадилар.

Аллох таъоло мушрикларнинг олиха қилиб олишларини икки ақлий далил билан пучга чиқарди.

Биринчи далил:

Мушрикларнинг олихаларида улухият-илохликнинг асари ҳам йўқдир. Чунки улар яралганлари учун ҳам, ярата олмайдилар. Улар ўзларига ибодат қилаётган обидларга манфаатни жалб қилиш ёки улардан зарарни кетказишга кодир эмаслар. Улар обидлар учун хаёт ёки ўлим беришга ҳам, самовотдаги бирон нарсага ҳам эга эмаслар, хатто, эгадорликда шерик ҳам эмаслар.

Аллох таъоло деди:

«(Мушриклар) эса У Зотни кўйиб, бирон нарса ярата олмайдиган, (балки) ўзлари яралгуччи бўлган, (ўзгалар у ёқда турсин, хатто) ўзларига ҳам бирон зиён ё фойда беришга эга бўлмайдиган ва на (бировларга) ўлим беришга, на хаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган «олихалар»ни ушладилар (яъни, ўшаларга сизгинудилар) (Фурқон: 3)

«(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллохдан ўзга (илохлар деб) гумон қилган бутларинигизга дуо-илтижо қилаверинглари-чи, (улар сизларга

ижобат кила олармиканлар)! Улар на осмонларда ва на Ерда бир зарра вазнича (*нарса*)га эга эмасдирлар ва улар учун (*осмонлар ва Ерда Аллохга*) шериклик хам йўқдир хамда (*Аллох*) учун улардан бирон ёрдамчи хам йўқдир (*яъни, Аллох таоло хеч кандай шерикка мухтож бўлмаган Ёлғиз Маъбудди Бархакдир*). (*Аллох*) хузурида факат унинг Ўзи изи берган кишиларгагина шафоат наф килади» (Сабаъ: 22, 23)

«*Мушриклар*) хеч нарсани ярата олмайдиган, балки ўзи яратилувчи бўлган нарсаларни (*Аллохга*) шерик киладиларми?! (*мазкур олихалар*) Улар учун ёрдам килишга кодир бўлмайдилар, хатто, ўзларига ўзлари хам ёрдам кила олмайдилар» (Аъроф: 191, 192).

Агар олихаларнинг холи шу бўлса, уларни олиха килиб олиш энг пасткашлик ва ботил ишдир.

Иккинчи далил:

Мушриклар Аллох таъолонинг ўзигина барча нарсаларнинг эгадорлиги кўлида бўлган, барчага Хомийлик киладиган , Унга карши биров хомийлик кила олмайдиган – Раб ва Холик эканига икром эдилар. Бу улардан Аллох таъолонинг илохликдаги вахдониятига, рубубиятдаги вахдониятига икром бўлгандек, икром бўлишни талаб килар эди.

Аллох таъоло деди:

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан илгари ўтганларни такво эгалари бўлишингиз учун яратган Парвардигоринингизга ибодат килингиз. У Зот сизлар учун Ерни кароргох, осмонни том килиб кўйди ва осмондан сув тушуриб, унинг ёрдамида сизларга ризк бўлсин, деб мевалар чикарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллохга тенгларштирмангиз! (Бакара: 21, 22);

«Агар улардан ўзларини ким яратган эканини сўрасангиз, албатта улар: «Аллох»- деб айтадилар» (Зухруф: 87);

«Айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризк берур ёки ким кулок-кўзларингизга эгалик килур?! Ким ўликдан тирикни ва тирикдан ўликни чикарур хамда ким барча ишларни тадбир килиб турур?!» Улар албатта: « Аллох», дейдилар. Бас сиз айтинг: «Ахир (*Ўша Зотдан*) кўркмайсизларми?!» Бас, мана шу Аллох – хакикий Парвардигорингиздир. Хакикатдан кейин эса факатгина йўлдан озиш бор, холос (*яъни, хакикий Парвардигоринингиз бўлмиш Аллохдан ўзгага сигинар экансиз, албатта йўлдан озган бўлурсиз*). Бас, кай тарафга бурулиб кетмоқдасизлар?!» (Юнус: 31, 32).

4. Аллох таъолонинг исм ва сифатларига иймон келтириш.

Яъни, Аллох таъоло Куръон Каримда ва расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам суннатларида исбот этган исм ва сифатларни

Аллох таъолога лойик бўлган услубда, ҳеч бир ўзгартишсиз, кайфиятсиз ва ўхшатишсиз исбот этиш.

Аллох таъоло деди:

«Аллохнинг гўзал исмлари бор. Унга ўша исмлар билан дуо қилинглар. Унинг исмларида ҳақдан оғган кимсаларни тарк этинглар! Улар қилган ишлари эвазига тез кунда жазоланадилар» (Аъроф: 180)

«Осмонлар ва Ердаги энг юксак мисол – ҳислат (яъни, тенгсиз – ягоналик ҳислати) Уникидир. У – Азиз ва ҳақим зотдир» (Рум: 27)

«Бирон нарса У Зотга ўхшаш эмасдир. У – эшитувчи ва кўрувчи зотдир» (Наҳл: 60).

Икки тоифа бу иймонда адашди:

Биринчи тоифа: Муъаттилалар.

Улар Аллох таъолонинг исм ва сифатларининг барчасини ёки баъзисини инкор этдилар ва: «Исм ва сифатларни Аллох таъоло учун исбот этиш, Аллох таъолони ўз махлукларига ўхшатишни такозо қилади»- деб гумон қилдилар. Бу бир неча сабабларга кўра асоссиздир:

Биринчидан: Бу гумон ботил сабабларни такозо қилади. Масалан: Аллох таъолонинг каломида зиддиятларни такозо қилади. Холбуки, Аллох таъоло ўзи учун исм ва сифатларни исбот этиб, ўзининг ўхшаши бўлишини рад этган. Агар уларни исбот этиш ташбех (ўхшатиш) ни такозо қилса эди, Аллох таъолонинг каломида бир-бирига зиддиятлар вужудга келар эди.

Иккинчидан: Икки нарсанинг бир исм ёки сифатда бир хил келиши, уларнинг бир-бирига тамоман ўхшаш эканини такозо қилмайди. Масалан: икки шахснинг эшитувчи, кўрувчи ва гапирувчи инсон эканини кўрасиз. Бирок, бу уларнинг одамийлик, эшитиш, кўриш ва гапиришда бир хил эканликларини такозо этмайди. Бундан ташқари, сиз кўллари, оёқлари ва кўзлари бўлган кўплаб ҳайвонларни кўрасиз. Лекин, бу уларнинг бир хил бўлишлари керак эканини такозо этмайди. Махлукларда бўлган исм ва сифатларда ўзаро тафовутлар бўлар экан, демак, Холик билан махлук ўртасида фарқнинг бўлиши очик-равшандир.

Иккинчи тоифа: Мушаббихалар.

Бу тоифа исм ва сифатларни Аллох таъолонинг махлукларига ташбих қилиб (ўхшатиб) исбот этдилар ва: «Бу, вахий такозосидир. Чунки Аллох таъоло бандаларга тушунишадиган нарсалар билан хитоб қилди»- деб даъво қиладилар. Бу даъво ҳам, бир неча сабабларга кўра асоссиздир.

Биринчидан: Аллох таъолонинг ўз махлукига ўхшаши ақл ва шарият инкор этадиган нарса бўлиб, Куръон ва суннатдаги таълимотлар ботил нарсаларни такозо этиши мумкин эмасдир.

Иккинчидан: Аллох таъоло бандаларига маъно нуктаи назаридангина тушуна олишадиган нарсалар билан хитоб қилди. Аммо улар асосланган хақиқат ва мохиятни (хусусан, зот ва сифатларга таъаллуқли бўлса,) ўзигина билишни афзал кўрди.

Агар Аллох таъоло ўзининг «Самийъ» (эшитувчи) эканини зикр қилса, эшитиш маъно нуктаи назаридан маълум (яъни, товушларни идрок этиш). Лекин, Аллох таъоло қандай эшитади, бу номаълумдир. Чунки эшитиш махлуқларда ҳам фарқли бўлади. Модомики махлуқотлар ўртасида бу нарса фарқли бўлар экан, Холик билан махлуқ ўртасидаги тафовут, ундан кўра каттарок ва равшанроқдир. *(Бунга яна бир мисол, инсонларнинг кўриши ўта чегаралангандир, аввало у узок масофадаги нарсани кўра олмайди. Инсон бир вақтнинг ўзида бир қанча нарсани кўра олсада улардан биттасинигина тиник-равшан кўради қолганлари шувашган ҳолда бўлади. Колаверса, унинг кўришини кўп нарсалар тўсиши мумкин, мас: Коронгулик, ўта ёруғлик ва ҳар турли тўсиклар. Аллох таолонинг кўришига нисбатан ҳеч қандай тўсик бўлиши мумкин эмас, У ҳар қандай ҳолатда аниқ-равшан кўраверади. Бир нарсани кўриши бошқасидан қалғитиб қўймайди, У ҳар бир сонияда барча мавжуд махлуқотларининг ҳар бирини кўриб, ҳожатларини билиб, дуоларини эшитиб, уларнинг ҳар бирига ижобат қилиб туради. Шундай Улуғ Парвардигорнинг сифатларига оғиз махлуқотларнинг сифатлари қандай ўхшасин?! ИНТ)*

Агар Аллох таъоло ўзининг Аршга кўтарилгани - ўрнашганидан хабар берган бўлса, кўтарилиш-ўрнашиш маъно нуктаи назаридан маълум. Бирок, кўтарилишнинг Аллох таолонинг Аршга кўтарилишидаги хақиқати номаълум. Зотан, кўтарилиш-ўрнашиш хақиқати махлуқларда ҳам ўзаро фарқли бўлади. Кимирламай турган курсига кўтарилиш-ўрнашиш билан, асов туя устига кўтарилиш-ўрнашиш ўртасида катта фарқ бор. Шундай экан, Холик билан махлуқ ўртасидаги фарқ катта ва равшан бўлиши муқаррардир.

Биз баён қилгандек, Аллох таъолога иймон келтиришнинг мўминлар учун улкан самаралари бор.

Шулардан:

Биринчиси: Бошқалардан ҳавф ва умид қилинмайдиган даражада Аллох таолонинг ваҳдониятини рўёбга чиқариш.

Иккинчиси: Аллох таолонинг гўзал исмлари ва олий сифатлари такозоси билан яхши кўриш ва улуглашнинг қамолоти.

Учинчиси: Буюрилган нарсаларни килиш ва таъкикланган нарсалардан сакланиш билан Аллох таъолога ибодат килишни рўёбга чиқариш.

Фаришталарга иймон келтириш

Фаришталар гайб олами бўлиб, Аллох таъолога ибодат қилувчи махлуқлардир. Уларда улухият ва рубубият сифатлари йўқ бўлиб, Аллох таъоло уларни нурдан яратган ҳамда ўз амрига итоат ва амрини ижро этиш учун қувват берган.

Аллох таъоло деди:

«Аллох таъолонинг хузуридаги зот (фаришта)лар, Аллох таъолога ибодат қилишдан бош тортмайдилар. Улар туну кун сускаштлик қилмасдан (Аллохга) тасбех айтадилар» (Анбиё: 19, 20).

Уларнинг сони шу даражада кўп-ки, ҳисобини Аллох таъолонинг ўзигина билади. Имом Бухорий ва имом Муслимнинг «Саҳих»ларида Анас ибн Молик разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам меърожга олиб чиқилганида «Байтул-маъмур» га олиб борилгани ва у ерда бир кунда етмиш минг фаришта намоз ўқиши, у ердан чиққанидан сўнг, фаришталарнинг кўплигидан, қайта қира олмасликлари баён қилинган.

Фаришталарга иймон келтириш тўрт нарсани ўз ичига олади:

Биринчиси: фаришталарнинг борлигига ишониш.

Иккинчиси: бизларга исмлари баён қилинган фаришталарга муфассал, исми баён қилинмаган фаришталарга умумий суратда иймон келтириш.

Учинчиси: фаришталарнинг бизга хабар берилган сифатларига иймон келтириш.

Масаслан: Жаброил алайхиссаломнинг сифатлари. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам уни хақиқий суратида олти юзта қаноти билан уфқни тўсиб турганини бир бор кўрган эдилар.

Фаришта гоҳо Аллох таъолонинг амри билан инсон шаклини олади. Шунинг учун ҳам, Жаброил алайхиссолату вассалом, Марям алайхиссолату вассалом хузурига қиришга Аллох таъоло амр қилганида, қомил инсон шаклини олган эди. Бундан ташқари, У, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам саҳобалар хузурида ўтирганида тим қора сочли, оппоқ қийимда, сафар аломати кўринмаган ва саҳобаларга нотаниш киши суратида келиб, расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг олдиларига чўкка тушиб ўтирди. Тиззаларини расуллоллох солаллоху алайхи ва салламнинг тиззаларига теккизди ва кўлларини сонларига қўйди-да, Ислом, иймон, эҳсон ва қиёмат куни ва унинг белгилари ҳақида

сўради. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам жавоб берганидан сўнг, кетди. Сўнгра, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «**У – Жаброил эди. У сизларга динингизни ўргатиш учун келган эди**»- дедилар (Имом Муслим ривояти).

Аллох таъолонинг Иброхим ва Лут алайхимассаломларга юборган фаришталари хам, инсон шаклида эдилар.

Тўртинчиси: фаришталарнинг бизга хабар берилган ва Аллох таъолонинг амри билан адо этишадиган амалларига иймон келтириш.

Масалан: кечаю кундуз малол олмай, тинимсиз ибодат килиш.

Баъзи фаришталарнинг ўзига хос амаллари бор. Масалан: вахийга омонатдор Жаброил алайхис-солату вассаломни Аллох таъоло пайгамбарларга элчи килиб юборди. Мийкоил алайхис-солату вассалом ёмгир ёгдириш ва ўсимликларни ўстиришга вакил килинган. Исрофил алайхис-солату вассалом киёматнинг коим бўлиши ва бандаларнинг кайта тирилишлари пайтида сурга дам уришга вакил килинган. Малакул-мавт – ўлим фариштаси эса, ўлим пайтида рухларни олишга вакил килинган.

Она корнидаги хомилага вакил килинган фаришта. Хомила тўрт ойлик бўлганида, Аллох таъолонинг амрига биноан келиб хомиланинг ризки, ажали, амали, бахтли ёки бахтикаролигини ёзиб кўяди.

Одам фарзандининг амалларини ёзиш ва саклаш учун вакил килинган фаришталар. Хар бир шахс учун тайинланган икки фаришта бўлиб, уларнинг бири шахснинг ўнг, иккинчиси эса чап томонида бўлади.

Кабрга кўйилганидан сўнг маййит-ўликни сўрок килишга вакил килинган фаришталар. Маййитнинг олдига икки фаришта келиб, унинг дини, Рабиси ва пайгамбари хакида сўрайдилар.

Фаришталарга иймон келтиришнинг улкан самаралари бор. Шулардан:

Биринчиси: Аллох таъолонинг буюклиги ва салтанатини билиш. Чунки махлукнинг буюклиги Холикнинг нақадар буюклигидан даракдир.

Иккинчиси: Аллох таъолога одам фарзандига килган инояти учун шукроналар айтиш. Чунки Аллох таъоло уларни химоя киладиган, амалларини ёзадиган ва бундан ташқари уларнинг бошка манфаатлари учун фаришталарни тайин килган.

Учинчиси: Аллох таъолога килаётган ибодатлари учун фаришталарни яхши кўриш. Баъзи калтафахм кишилар фаришталарнинг жисм эканини инкор этиб, улар: «Махлуклар ичида яширинган хайрли кучлардан иборат»- дедилар. Бу – Аллох таъолонинг Куръони, расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг

суннатлари ва мусулмонларнинг ижмоъларини рад этишдан бошка нарса эмас.

Аллох таъоло деди:

«Хамду сано осмонлар ва Ерни илк яратгувчи хамда (Ўзи билан бандалари ўртасида) фаришталарни икки, уч, тўрт канотли элчилар (воситачилар) килгувчи Аллох учундир.» (Фотир: 1)

«(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам) агар сиз фаришталар кофир кимсаларнинг юзлари ва думбаларига уриб жонларини олаётган... пайтини кўрсангиз эди» (Анфол: 50);

«Золимларни ўлим талвасасида турганида (ўлим) фаришталари уларга кўлларини чўзиб: «Жонларингизни ўзларингиз чиқаринглар!»- деб нидо килганларини кўрсангиз эди» (Анъом: 93);

«(Фаришталарнинг) дилларидан кўркув кетгазилгач, улар (бир-бирларига): «Парвардигорингиз нима деди (яъни, шафоатга хакикатан изн бердим)», деб (савол килишар. Шунда фаришталар) «Хакни (айтди, яъни, хакикатан шафоатга изн берди), У – Буюк ва Олий зотдир»- деб жавоб берурлар» (Сабаъ: 23).

Жаннат ахллари хакида Аллох таъоло деди:

«...Сўнг уларнинг хузурларига хар эшикдан фаришталар кириб (дерлар) «(Аллох меҳнат-машаккатларга) сабр-токат килиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши!» (Раъд: 23, 24).

Имом Бухорийнинг «Саҳих» китобида Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят килинади. **«У деди: «Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Агар Аллох таъоло бирор бандани яхши кўриб колса, Жаброилга нидо килиб: «Мен фалон бандани яхши кўрдим. Сен хам уни яхши кўр!»- деб айтади. Жаброил у бандани яхши кўриб, само ахлига карата: «Аллох фалон бандани яхши кўрди. Сизлар хам уни яхши кўринглар!»- деб нидо килади. Само ахли хам уни яхши кўради. Сўнгра, у банда учун Ерда макбуллик берилади (яъни, у одам кўнгишларга якин, ким уни кўрса яхши кўриб, ёктирадиган одамга айланади. Бу хадиснинг шарҳида бир кишининг одамлар ўртасида севикли бўлиши унинг Аллох олдида севикли эканига далолат килади, дейилган)»».**

Шу китобда яна Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят килинади: **«У деди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Жума куни фаришталар масжиднинг барча эшиклари олдида, келаётган намозхонларни тартиб билан ёзиб турадилар. Имом (минбарга) ўтиргач китобларни ёпиб, зикр-хутбани эшитиш учун келадилар»».**

Ушбу хабарлар фаришталарнинг баъзи калтафахмлар ўйлаганидек, маънавий кучлар эмас, балки, жисмоний махлуқлар эканини очик кўрсатиб турибди. Мусулмонлар шу хабарларга биноан ижмоъ қилганлар.

Китобларга иймон келтириш

Китоблар – ёзилган таълимотлар мажмуъасидир. Бу ерда «китоблар сўзидан Аллох таъолонинг ўз пайгамбарлари воситаси билан дунё ва охират бахт-саодатларига эришишлари учун бандаларига раҳмат ва хидоят қилиб туширган китоблари назарда тутилган.

Китобларга иймон келтириш тўрт нарсани ўз ичига олади.

Биринчи: Китобларни Аллох таъоло тарафидан туширилган ҳақиқат деб ишониш.

Иккинчи: Номи маълум бўлган ва Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга туширилган Куръон Карим, Ийсо алайхиссаломга туширилган Инжил, Мусо алайхиссаломга туширилган Таврот ва Довуд алайхиссаломга туширилган Забур сингари китобларга номлари билан иймон келтириш. Номлари билдирилмаган китобларга эса, умумий тарзда иймон келтириш.

Учинчи: Улардаги ишончли хабарларни тасдиқлаш. Масалан: Куръондаги хабарлар ҳамда ўтмиш китоблардаги ўзгартирилмаган ва алиштирилмаган хабарлар.

Тўртинчи: Бекор қилинмаган ҳукмларга амал қилиш. У ҳукмларга хикматини билайлик ёки билмайлик, рози бўлиш ва итоат этиш.

Аввалги китобларнинг барчаси Куръон Карим ҳукмлари билан бекор бўлди. Аллох таъоло деди:

«Биз Сизга Куръонни ҳақиқат билан ўзидан аввалги Китобни тасдиқловчи ва Унга ҳукм қилувчи қилиб нозил қилдик» (Моида: 48).

Шунининг учун ҳам, ўтмиш китоблар ичидаги ишончли ва Куръон тасдиқлаган ҳукмлардан бошқасига амал қилиш жоиз эмас.

Китобларга иймон келтириш қуйидаги қатга самараларни беради:

Биринчиси: Аллох таъолонинг бандаларига бўлган эътиборини билиш. Зеро, Аллох таъоло барча халқларга тўғри йўлни кўрсатадиган Китобни туширди.

Иккинчиси: Аллох таъолонинг ўз шариатидаги хикматларини билиш. Чунки Аллох таъоло ҳар бир халқнинг ўз ахволига муносиб шариатларни юборди.

Аллох таъоло деди:

«Сизларнинг ҳар бирингиз учун шариат ва дастур қилиб қўйдик» (Моида: 48).

Учинчиси: Аллох таъолонинг бу неъматларига шукроналар келтириш.

Пайгамбарларга иймон келтириш

«Русул» (расуллар) – юборилган, яъни бир нарсани етказиш учун жўнатилган элчининг кўплик сонидир. Бу ерда зикр килинган «русул» сўзидан мақсад, шариат вахий килиниб, уни етказишга буюрилган инсон – пайгамбарлардир.

Русулларнинг энг аввалгиси Нух ва охиригиси Муҳаммад соллаллоху алайхи ва салламдирлар.

Аллох таъоло деди:

«(Эй Муҳаммад соллаллоху алайхи ва саллам), Албатта Биз Нухга ва ундан кейинги пайгамбарларга вахий қилганимиздек, сизга ҳам вахий қилдик» (Нисо: 163).

Имом Бухорийнинг «Саҳих»ида Анас ибн Молик разияллоху анху ривоят қилган шафоат ҳақидаги ҳадисда расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Одамлар шафоат (ҳомийлик) сўраб Одам алайхиссолату вассалом олдига келадилар. У улардан узр сўраб: «Сизлар Аллох таъоло биринчи расул (пайгамбар) қилиб юборган Нухнинг олдига боринглар!»- дейди»**.

Аллох таъоло Муҳаммад соллаллоху алайхи ва саллам ҳақида шундай деди:

«Муҳаммад (соллаллохуу алайхи ва саллам) эр кишиларингиздан биронтасининг отаси эмас. Балки, У. Аллох таъолонинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнггисидир» (Ахзоб: 40).

Аллох таъоло ҳар бир халқда мустақил шариат билан ёки ўзидан аввалги пайгамбар олиб келган шариатни янгилаш учун пайгамбар юборган.

Аллох таъоло деди:

«Хар бир халқка: «Аллохгагина ибодат қилиб, тоғутдан узок бўлинг!»- (деб даъват этадиган) пайгамбарни юбордик» (Наҳл: 36);

«Хар бир уммат ичида ҳам албатта бир огохлантиргувчи пайгамбар ўтган» (Фотир: 24);

«Албатта биз тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. (Аллохга) бўйсинувчи бўлган пайгамбарлар, илохий билим эгалари ва донишмандлар ўзларига Аллохнинг китоби омонат қўйилгани сабабли яҳудийларга у (яъни, таврот хукмлари) билан хукм қиладилар». (Моида: 44).

Пайгамбарлар – рубубият ва улухият сифатлари бўлмаган махлук – инсондирлар.

Аллох таъоло пайгамбарларнинг саййиди ва ўзининг хузурида энг обрўлиси бўлган Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам хакида шундай дейди:

«*Эй, Мухаммад*), айтинг: «мен ўзимга ҳам бирон фойда ёки зарар етказишга эга эмасман. Магар Аллох хоҳлаган ишгина бўлур. Агар гайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон ёмонлик-зиён етмаган бўлур эди. Мен факат иймон келтирган қавмлар учун (жаханнамдан) огохлантирувчи ва (жаннатдан) хушхабар берувчиман, холос» (Аъроф: 188);

«*Эй, Мухаммад*), айтинг: « Албатта мен сизларга на бир зиён ва на бир тўғри йўл беришга эга эмасман. Айтинг: албатта мени Аллох (*нинг азоби*)дан (*агар У Зотга осийлик қилсам*) бирон кимса химоя қила олмас ва мен У Зотдан ўзга панохгоҳ ҳам топа олмасман » (Жин: 21, 22).

Пайгамбарларнинг касал бўлиш, ейиш ва ичишга мухтож бўлиш, ўлиш ва бундан бошқа инсоний хусусиятлари бордир. Иброхим алайхиссолату вассалом ўз Роббисини қандай сифатлаганини Аллох таъоло шундай баён қилади:

«У (Аллох)нинг ўзигина мени тўйдирур ва кондирур. Касал бўлган вақтимда унинг Ўзи менга шифо берур. У мени ўлдирур, сўнгра (*Киёмат кунда қайта*) тирилтирур. » (Шуаро: 79 – 81).

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «**Мен ҳам сизлар каби инсонман. Сизлар унутганингиздек унутаман. Агар унутсам, эслатиб кўйинглар!**».

Аллох таъоло пайгамбарларни: «**Бандачиликни тўла қилиб адо этадилар**»- деб сифатлади. Пайгамбарларни макташлик асносида Аллох таъоло Нух алайхиссолату вассалом хакида: «У Аллох таъолога шукр қилувчи банда эди»- деди (Исроъ: 3).

Аллох таъоло Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам хакида:

«**Барча оламлар учун (*охират азобидан*) кўрkitгувчи бўлсин деб Ўз бандаси (*Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам*)га Фуркон-Куръон нозил қилган Зот- Аллох баракотли-Буюқдир**». - деди (Фуркон: 1).

Аллох таъоло Иброхим, Исхок ва Яъқуб алайхимуссолату вассаломлар хакида: «*(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам)* сиз Бизнинг куч-қувват ва фахм-фаросат эгалари бўлган бандаларимиз - Иброхим, Исхок ва Яъқубни эсланг! Биз уларни охиратнигина ўйлайдиган қилиб қўйдик. Улар бизнинг хузуримизда энг яхши сара кишилардандир»- деди (Сод: 45, 47).

Аллох таъоло Йисо ибн Марям алайхимассолату вассалом хакида: «У факатгина Биз (*пайгамбарлик*) инъом этган бир бандадир. Биз уни (*отасиз дунёга келтириш билан*) бани Исроил

учун (*Бизни кудратимизни намоиш киладиган*) **ибрат килдик**»-деди (Зухруф: 59).

Пайгамбарларга иймон келтириш тўрт нарсани ўз ичига олади:

Биринчи: Улар хакикатда Аллох таъоло томонидан юборилган пайгамбарлар эканига иймон келтириш. Уларнинг биронтасининг пайгамбарлигига кофир бўлган кимса, уларнинг барчасига кофир бўлади.

Аллох таъоло деди:

«Нухнинг кавми пайгамбарларни рад-инкор килди» (Шуаро: 105).

Аллох таъоло бу кавмнинг бошка пайгамбарлар юборилмаган бир даврда Нухнинг пайгамбарлигини рад этишларини, барча пайгамбарликни рад этишга тенглади. Шунга биноан, Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг пайгамбарлигини рад этиб, унга эргашмаган Насронийлар, Ийсо алайхиссолату вассаломни рад этган ва унга эргашмаган каззобдирлар. Зеро, Ийсо алайхиссолату вассалом уларга Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам хакида башорат берган эди. Башоратнинг маъноси эса, Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг Аллох таъоло насронийларни залолатдан кутқариш ва тўғри йўлга хидоятлаши учун сабаб килган пайгамбар эканидир.

Иккинчи: Исмлари маълум бўлган пайгамбарларга номлари билан иймон келтириш. Масалан: Мухаммад, Иброхим, Ийсо, Мусо ва Нух алайхимуссолату вассалом. Бу беш пайгамбарга «улул-азм» (матонатли пайгамбарлар) деб аталади.

Аллох таъоло уларни Куръон Каримнинг икки: «Ахзоб» ва «Шуаро» сураларида ёд килди:

«Эсланг, Биз (барча)пайгамбарлардан ва (хусусан)Сиздан, Нухдан, Иброхим, Мусо ва Ийсо ибн Марямдан ахду-паймонларни олгандик» (Ахзоб: 7)

«(Эй мўминлар, Аллох) сизлар учун хам диндан Нухга буюрган нарсани ва Биз Сизга (яъни, Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга) вахий килган нарсани, (шунингдек) Биз Иброхим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани шариат килди: «Динни барпо килинглар ва унда фирка-фирка бўлиб бўлинманглар!» (Шуро: 13).

Аммо исми биз учун номаълум бўлган пайгамбарларнинг барчасига, умумий тарзда иймон келтирамиз.

Аллох таъоло деди:

«Аникки, Биз Сиздан илгари (кўп) пайгамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга хикоя килиб берган кишилар хам бор, яна улардан Биз Сизга хикоя килмаган кишилар хам бордир.» (Гофир: 78).

Учинчи: Пайгамбарлардан ривоят килинган сахих- ишончли хабарларни тасдиклаш.

Тўртинчи: Шу пайгамбарлар ичидан юборилган сўнгги пайгамбар – Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам олиб келган шариатга амал килиш.

Аллох таъоло:

«Йўк, (Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам) Парвардигорингизга касамки. То улар ўз ўрталарида чиккан келишмовчиликларда Сизни хакам килмагунларича ва кейин Сиз чикарган хукмдан дилларида хеч кандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсинмагунларича зинхор мўмин бўла олмайдилар.» (Нисо: 65).

Пайгамбарларга иймон келтиришнинг улкан самаралари бор:

Биринчи: Аллох таъолонинг бандаларига бўлган рахмати ва иноятини билиш.

Чунки У, бандаларига Аллох таъолонинг йўлини кўрсатиш ва Аллох таъолога ибодат килиш йўллари баён килишлари учун ўз пайгамбарларини юборди. Зеро, аклнинг ўзи буни хеч хам била олмайди.

Иккинчи: Аллох таъолонинг бу буюк неъматига шукроналар келтириш.

Учинчи: Пайгамбарларни яхши кўриш ва уларни лойик бўлган суратда улуглаш ва мактов айтиш.

Чунки улар Аллох таъолога ибодат килдилар. Унинг вахийсини етказдилар ва бандаларига насихат килдилар.

«Пайгамбарлар инсон наслидан эмас»- деб гумон килган ўжар кимсалар, ўз пайгамбарларини ёлгончига чикардилар. Аллох таъоло бу гумонни эслатиб, унинг асоссиз эканини баён килди:

«Одамларга хидоят келганидан сўнгра иймон келтиришга монъелик килган нарса: «Аллох (одам наслидан) пайгамбар юбордими?»- деб айтишлари бўлган, холос. Айтинг: «Ерда хотиржам юрадиган фаришталар бўлганида эди, Биз уларга фаришта-элчини юборган бўлар эдик»» (Исро: 94, 95).

Аллох таъоло бу гумонни, модомики, Ер ахли инсон экан, инсон-элчи юборилишини. Агар Ер ахли фаришта бўлса, Осмондан фаришта-элчи юборилишини уктириб, пучга чикарди. Шунингдек, Аллох таъоло пайгамбарларни рад этган кишиларнинг куйидаги сўзларни айтганларини хикоя килди:

«Сизлар хам бизлар каби инсонсиз. Факат бизни ота-боболаримиз ибодат килиб ўтган нарсалардан (санамларга сизинишдан) тўсмокчисизлар, холос. Бас, (агар чик пайгамбар бўлсангизлар) бизларга аник бир хужжат далил келтирингларчи?! Пайгамбарлари уларга айтдилар: «(Ха) биз

хам худди сизларга ўхшаган инсонлармиз, лекин Аллох Ўзи хохлаган бандаларига (пайгамбарлик) инъом килур. Биз сизларга Аллохнинг изни билангина очик хужжат келтира оламиз» (Иброхим: 10, 11).

Охират кунига иймон келтириш

Охират — одамларнинг ҳисоб беришлари ва мукофотланишлари учун қайта тириладиган киёмат кунидир.

Охират (охирги кун) деб номланишининг сабаби, жаннат ахли жаннатдаги, жаханнам ахли жаханнамдаги жойларини олганидан сўнг, (бу дунё кунлари каби) ҳеч қандай кун бўлмайди.

Охиратга бўлган иймон уч нарсани ўз ичига олади.

Биринчиси: Қайта тирилишга ишониш.

У— сурга иккинчи марта дам урилганида ўликларни тирилтиришдир. У пайтда одамлар Оламлар Парвардигори учун пояфзалсиз ялангоёк, кийимсиз ялангоч ва бус-бутун ҳолда қабрларидан чиқадилар. Аллох таоло деди:

«Аввалда, биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша ҳолга) қайтарамиз. Бу Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз (шундай) қилгувчимиз». (Анбиё: 104).

Қайта тирилиш Қуръон, суннат ва мусулмонлар ижмоъси далолат қилган ўзгармас ҳақиқатдир.

Аллох таоло деди:

«Сўнгра, ўшандан кейин (дунёга келиб, тақдирдаги ажалингиз етгандан кейин) ўласизлар. Сўнгра, киёмат кунига қайта тириласизлар». (Муъминун: 15-16).

Мухаммад - саллалоҳу алайҳи ва саллам - дедилар: «Одамлар киёмат кунига ялангоёк ва хатна қилинмаган ҳолларида (махшаргоҳга) жамланадилар». (Муттафакун алайҳи).

Мусулмонлар ҳам қайта тирилишнинг ҳақлигини бир овоздан тасдиқ қилганлар. Қайта тирилиш — Аллох таоло пайгамбарлар юбориб, бандаларга етказган топширик-вазифаларга биноан мукофотлаш ёки азоблаш учун бўлган хикматнинг тақозосидир.

Аллох таоло деди:

«Ё сизларнинг гумонингизча : Биз сизларни беҳуда яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!». (Муъминун: 115).

Аллох таоло Мухаммад саллалоҳу алайҳи ва салламга деди:

«Сизга қуръонни фарз қилган зот, Сизни киёматга қайтарувчидир» (Қасас: 85)

Иккинчиси: Ҳисоб ва жазога ишониш.

Банда ўзининг қилган барча амаллари учун ҳисоб қилиниб, мукофотланади. Бунга Қуръон, суннат ва мусулмонлар ижмоъси далолат қилади.

Аллох таоло деди:

«Албатта уларнинг Бизга қайтишлари бор. Сўнгра уларни ҳисоб қилиш бизнинг зиммамиздадир». (Ғошия: 25,26).

«Қим бир яхшилқни олиб келса унга ўн баробар мисли (савоб) бордир. Қим бир ёмонлик олиб келса, шу ёмонлик микдорича жазоланади. Улар зулмланмаслар» (Анъом: 160).

«Киёмат куни учун адолат мезони-тарозиларни қўярмиз, ҳеч бир жонзотга зулм қилинмас. Агар (қилинган амал) хардал уругича бўлса ҳам, биз (уни) келтирамиз. Ҳисоб қилишда Ўзимиз қифоя қиламиз» (Анбиё: 47).

Абдуллох ибн Умар -розияллоху анхумо- Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килди: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Киёмат куни Аллох таоло муъминни ўзига якинлаштириб, парда кўйиб тўсади-да: «Фалон ва фалон гунохларингни биласанми?»-деб сўрайди. Банда: «Ха роббим»- деб жавоб беради. Аллох таоло уни барча гунохларига икром килдириб, банда ўзининг халокати мукаррар эканини кўрганида: «Бандам мен сенинг (бу) гунохларингни дунёда сир тутдим. Бугун эса, сен учун уларни кечираман» дейди-да, бандага яхшилик номаси ўнг томонидан берилади. Аммо кофир ва мунофиқларга барча халойик олдида жар солиниб: «Анавилар роббиларига ёлгон сўзладилар. Билинларки, золимларга Аллохнинг лаънати бўлсин!»-дейлади» (Муттафакун алайхи.)

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан ушбу саҳих ҳадис ҳам ривоят килинган: «Ким яхшиликка қасд қилиб, уни қилса, Аллох унга ўзининг ҳузурида ўнтадан етти юзтага қадар ва ундан бир неча баробар кўп савоб ёзади. Ким ёмонликка қасд қилса ва уни қилса, Аллох унга битта ёмонлик ёзади». (Муттафакун алайхи).

Мусулмонлар, килинган амалларга киёмат куни ҳисоб бўлиши ва мукофот ёки жазо бўлишини бир овоздан тасдиқладилар. Бу Илохий хикматнинг тақозосидир. Чунки, Аллох таоло Куръон нозил қилди, пайгамбарларни юборди, уларга келган ваҳийни қабул қилиш ва амал қилиш вожиб бўлган нарсаларга амал қилишни бандаларга фарз қилди, бунга қарши бўлган инсонларга жанг қилишни вожиб қилди ва уларнинг қонлари, зурриётлари, аёллари ва мол-дунёларини ҳалол қилди. Агар киёматдаги ҳисоб ва мукофот ёки жазо бўлмаса, бу ишларнинг барчаси беҳуда бўлган бўларди. Аллох бундан пок зотдир. Аллох таоло бунга қуйидаги сўзлари билан ишора қилади:

«Албатта Биз пайгамбар юборилган кишилар ва юборилган пайгамбарлар билан савол-жавоб қиламиз. Албатта уларга (қилиб ўтган ишларини) билган холимизда, қисса қилиб айтиб берамиз. Биз гоиб (беҳабар) эмас эдик» (Аъроф: 6-7).

Учинчиси: Жаннат ва жаҳаннамга ишониш.

Бу иккиси бандаларнинг мангу келажагидир.

Жаннат—Аллох таоло иймон келтиришга буюрган нарсаларга иймон келтирган, Аллох таолога ихлос билан ва Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламга эргашиш билан итоат қилган тақводор муъминларга Аллох таоло тайёрлаб қўйган неъматлар диёрдир. Жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсоннинг ҳаёлига келмаган анвойи турдаги неъматлар бор.

Аллох таоло деди:

«Албатта иймон келтирган ва яхши амалларни қилган зотлар—ана ўшалар барча махлуқотларнинг энг яхшироғидирлар. Уларнинг парвардигорларининг ҳузуридаги мукофотлари—остидан дарёлар оқиб турадиган Адн жаннатларидир (Улар) у жаннатларда абадий мангу қолурлар. Аллох улардан рози бўлди ва улар ҳам Аллохдан рози бўлдилар. Бу (мукофот) парвардигорларидан кўркан кишилар учунгинадир». (Баййина: 7-8).

«Ҳеч бир жон қилган амаларининг мукофоти учун унга беркитиб қўйилган қувончларни билмас». (Сажада: 17).

Жаҳаннам эса, пайгамбарларга иймон келтирмаган ва осий бўлган золим кофирлар учун Аллох тайёрлаб қўйган, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва инсон ҳаёлига келмаган турли-туман қийноқлар маконидир.

Аллох таоло деди:

«Кофирлар учун тайёрлаб кўйилган жаханнамдан кўркинлар!» (Оли Имрон: 131).

«Биз золим кофирларга, алангалари уларни ўраб-чирмаб оладиган дўзахни тайёрлаб кўйдик. Агар улар (чанкокликнинг шиддатидан) сув сўрасалар, уларга догланган ёғ каби юзларни куйдирувчи сув берилади. Накадар ёмон ичимлик у, накадар ёмон жой у!» (Кахф: 29).

«Албатта Аллох таоло кофирларни лаънат килди ва улар учун жаханнамни тайёрлади. Улар у ерда дўст ва ёрдамчи топмасдан абадий қоладилар. Улар юзлари оловда айлантириладиган-куйдириладиган кунда: Кошки эди, бизлар ҳам Аллохга итоат этганимизда ва пайгамбарга итоат этганимизда, дейдилар» (Ахзоб: 65-66).

Охират кунига иймон келтириш ичига ўлимдан сўнг бўладиган барча нарсаларга иймон келтириш ҳам киради.

а) Кабр синови.

Кабр синови, майитнинг дафн килинганидан сўнг парвардигори, дини ва пайгамбари хакида сўрок килинишидир. Аллох таоло бу синовда муъминларни ўзгармас сўз билан собиткадам килади. Шунинг учун ҳам, муъмин: Роббим—Аллох, диним—Ислом ва пайгамбарим Мухаммад -саллалоху алайхи ва саллам- деб айтади. Золимларни эса Аллох таоло адаштиради. Кофир: «А... а... билмайман» дейди. Мунофик ёки (Мухаммад -саллалоху алайхи ва саллам-олиб келган диндан) шубха килган киши эса: «Билмайман одамларнинг алланарсалар деганини эшитар эдим ва мен ҳам ўша сўзларни айтар эдим» дейди.

б) кабр азоблари ва неъматлари.

Кабр азоби мунофик ва кофирлар каби золимлар учун тайёрлаб кўйилгандир Аллох таоло деди:

«Золимларни ўлим гирдобада колган, ўлим фаришталари кўлларини чўзиб: Жонларингизни берингиз! Бу кун сизлар—Аллох шаънига ноҳак гапларни айтганларингиз ва Унинг оятларидан юз ўгириб кибру хаво килганларингиз сабабли хорлик азоби билан жазоланасизлар,-деб турган пайтда бир кўрсангиз эди». (Анъом: 93).

Аллох таоло Фиръавн хонадони хакида шундай дейди:

«Улар эртаю кеч ўтга рўбарў килинадилар (солинадилар). Киёмат коим бўлган кун эса: «Фиръавн хонадонини шиддатли азобга киритинлар!» деб айтилади». (Гофир: 46).

Имом Муслимнинг «Сахиhi»-да Зайд ибн Собитдан ривоят килинади. У деди: «Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам: «Сизлар бир-бирингизни дафн килишингиз бўлмаганида эди, мен ўзим эшитаётган кабр азобини сизларга ҳам эшиттиришини сўраб Аллох таолога дуо килар эдим»- дедилар. Сўнгра, ўгирилиб: «Аллохдан жаханнам азобидан паноҳ сўранлар!» дедилар. Сахобалар: «Аллохдан жаханнам азобидан паноҳ сўраймиз»- дедилар. Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам :Аллохдан зохирий ва ботиний фитналардан паноҳ сўранлар!» дедилар. Сахобалар: «Аллохдан зохирий ва ботиний фитналардан паноҳ сўраймиз»- дедилар. Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам: «Аллохдан Дажжол фитнасидан паноҳ сўранлар!»- дедилар. Сахобалар: «Аллохдан Дажжол фитнасидан паноҳ сўраймиз»- дедилар.»

Кабр неъматлари садокатли мусулмонлар учунгина тайёрлаб кўйилгандир. Аллох таоло деди:

«Парвардигоримиз— Аллохдир деган, сўнгра, (ҳак динда) сабот билан турган бандаларга фаришталар (жон чикиш вақтида) тушиб: Кўркманлар,

Кайгурманглар ва сизларга ваъда килинган жаннатдан шодланинглар!- дейдилар». (Фуссилат: 30).

«(вафот килаётган кишининг) Жони бўғзига етган пайтда, сизлар унга караб турасизлар. Холбуки, Биз унга сизлардан кўра якинрокмиз, лекин сизлар кўрмайсизлар. Сизлар ҳисоб килинмаймиз (кайта тирилмаймиз) деган сўзингларда ростгўй бўлсанглар, (унинг) жонини кайтарингларчи!!!. Аммо (вафот килаётган киши Аллохга) якин кишилардан бўлса, унга рохат-фароғат, гўзал ризк ва ноз-неъматли жаннат бордир». (Воқеа: 83-89).

Баро ибн Озиб -розияллоху анху- деди: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам, кабрида икки фариштанинг саволига жавоб берган муъмин хакида шундай дедилар: «Осмондаги зот : Бандам тўғри сўзлади, унинг ўрнини жаннатдан тўшаб, унга жаннат кийимини кийдириглар ва жаннат томон эшик очинглар!— деб нидо килади. Натижада, унга жаннатнинг рохатлари ва хушбўйларидан келтирилади. Унинг кабрини эса, кўзи илгайдиган микдорда кенгайтирилади». (Имом Аҳмад ва Абу Довуд бунини ривоят қилдилар).

Охиратга иймон келтиришнинг улкан самаралари бор. Шулардан:

Биринчиси: охиратда бериладиган савоб умидида тоат ибодатга рағбат ва харислик килиш.

Иккинчиси: охират жазосидан хавф қилиб, гунохларни қилмаслик ёки рози бўлишдан кўркиш.

Учинчиси: бу дунёда эриша олмаган неъматлар эвазига охират неъматлари ва савобларини умид қилиш билан муминга тасалли бериш.

Кофирлар «мумкин эмас» деган гумон билан, ўлгандан кейин қайта тирилишни инкор этдилар. Бу гумоннинг ботил эканига шаръий, хиссий ва аклий далиллар бор:

1) Шаръий далиллар:

Аллох таоло деди:

«Кофир бўлган кимсалар (ўлгандан сўнг) қайта тирилмасликларини гумондаъво қилдилар. (уларга) Айтинг: Йўқ парвардигоримга касамки, албатта қайта тириласизлар, сўнгра қилган амалларингиздан хабар бериласизлар. Бу Аллохга осондир» (Тағобун: 7).

Самовий китобларнинг барчаси қайта тирилиш ҳақ ва рост эканига иттифок бўлгандир.

2) Хиссий далиллар:

Аллох таоло бу дунёда ҳам ўликларни қайта тирилтиришни бандаларга кўрсатди. «Бақара» сурасида бунинг бешта мисоли бор.

Биринчи мисол: Мусо алайҳис-саломга кавми: «Аллох таъолони аниқ кўрмагунимизча сенга иймон келтирмаймиз»—деб айтганларида, Аллох таъоло уларни ўлдирди, сўнгра қайта тирилтирди. Аллох таъоло бу ҳақда бани Исроилга хитоб қилиб деди:

«(Эй бани Исроил) сизлар:- эй Мусо Аллох таъолони очик равшан кўрмагунимизча сенга иймон келтирмаймиз- дейишингиз билан кўз ўнгингизда сизларни яшин урганини ҳам эсланг! Сўнгра, Биз сизларни шуқр қилишингиз учун ўлганингиздан сўнг қайта тирилтирдик». (Бақара: 55-56).

Иккинчи мисол: бани Исроил ўзаро тортишиб қолишгани ва котиллик сабабли ўлдирилган ўлик қиссаси.

Аллох таъоло бани Исроилни сигир сўйиб, унинг бир бўлаги билан ўликни уришга буюриб, шундагина ўлик тирилиб, котилни айтиб беришидан хабар берди. Аллох таъоло бу хақида шундай деди:

«Эсланг, (эй бани Исроил) бир жонни ўлдириб кўйиб, унинг (котили) хакида жанжаллашиб колганингизда— холбуки, Аллох яширган нарсаларингизни ошкор килгувчидир— У ўликни сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар дегандик. Аллох ўликларни шу

тарика тирилтиради ва сизларга ақлларингизни юритишингиз учун ўз оятларини кўрсатади». (Бакара: 72-73).

Учинчи мисол: Аллох таъоло ўз диёрларидан ўлимдан кочган минглаб кишиларни ўлдириб, сўнгра, тирилтирганининг киссаси.

Аллох таъоло деди:

«Ўлимдан кочиб, диёрларидан чиккан мингларча кишининг холи-хабарларини билмадингизми! Аллох уларга ўлинглар деди, сўнгра уларни (ўлганларидан сўнг) кайта тирилтирди. Аллох одамларга фазлу карам килгувчидир, лекин жуда кўп одамлар шукр килмайдилар». (Бакара: 243).

Тўртинчи мисол: хароб бўлган кишлокдан ўтиб, Аллох таъолонинг бу кишлокни кайта чиройли (файзли) кила олишида шубха килган, натижада, Аллох таъоло уни ўлдириб, юз йил ўтгандан сўнг кайта тирилтирган инсон киссаси.

Аллох таъоло деди:

«Ёки (ахли халок бўлиб) иморатлари хувиллаб колган кишлокдан ўтган киши мисолики, «Бу хароб бўлган кишлокни Аллох кандай тирилтирар экан?» деди. Шунда Аллох уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра уни тирилтириб, деди: Канча муддат турдинг? «Бир кун ё ярим кун» деди. Аллох деди: Балки юз йил турдинг. Таоминг ва ичимлигинга кара-бузилган эмас. Эшагинга кара (у чириб эски суякларга айланган эди) Сени одамларга ибрат килиш учун (келтирдик). Энди суякларни тиклаб, сўнгра унга гўшт коплашимизни кўргин! Унга бу нарсалар аник равшан бўлгач: Албатта Аллох таъоло хар бир нарсага кодир эканини биламан деди». (Бакара: 259).

Бешинчи мисол: Иброхим алайхис-салом киссаси.

Иброхим алайхис-салом Аллох таъолодан ўликларни кайта тирилтириши хакида сўради. Аллох таъоло тўртта кушни сўйиб, майдалаб, бир – бирига аралаштириб сўнгра уларнинг бўлакларини атрофдаги тоғларга таркатишга, сўнгра эса, уларни чакиришга буюрди. Шундан сўнг бўлаklar бир-бирига бирикиб, Иброхим алайхис-саломнинг олдиларига югуриб келди. Бу ҳақда Аллох таъоло шундай деди:

«Иброхим -алайхис-салом: «Роббим менга ўликларни кандай тирилтиришингни кўрсат» деди. Аллох таъоло: «иймон келтирмадингми» деди. Иброхим алайхис-салом: «йўк, иймон келтирдим лекин, калбим таскин топиши учун» деди. Аллох таъоло деди: «Тўртта кушни олиб, уларни олдингга жамла (сўйиб, майдала), сўнг хар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак килиб кўйгин ва шундан сўнг уларни чакиргин тезлик билан сенга келадилар ва билгинки, Аллох таъоло комил иззатли ва (хар бир ишида) хикматли зотдир».

Ушбу хиссий-вокеий мисоллар ўликларни тирилтириш имкониятларини кўрсатиб турибди. Зеро, юкорида Аллох таъолонинг изни билан ўликларнинг тирилиши ва уларнинг кабрдан чиқарилишидаги Аллох таъолонинг бир мўъжизасига ишора килиб ўтилди.

Вафот этганларни тирилтириш хакикат эканига ақлий далиллар.

Ақл ўликларни тирилтириш ҳақ эканига икки томонлама далолат килади:

Биринчи томон: Аллох таъоло Ер, Осмонлар ва уларнинг ўртасидаги нарсаларни биринчи мартада яратган экан, уларни яна кайта яратишга, албатта кодирдир. Аллох таъоло деди:

«У зот аввал бошда ўзи яратиб, сўнгра (киёмат кунида) ўзи яна қайта яратадиган Зотдир. Қайта яратишлик у Зотга (аввалда йўқдан пайдо қилгандан кўра) осонрокдир». (Рум: 27).

«Аввалда, биринчи марта қандай яратган бўлсак, (ўша холга) қайтарамиз. Бу Бизнинг зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз (шундай) қилгувчимиз». (Анбиё: 104).

Аллох таъоло чириган суякларни тирилтиришини инкор қилган кимсаларга раддия бериб деди:

«Айтинг у (чириган суякларни) дастлаб пайдо қилган зотнинг ўзи қайта тирилтирур. У ҳамма халкларни яхши билгувчи зотдир». (Ёсин: 79).

Иккинчи тараф: майса ва дарахтлари бўлмаган бўз ер ёмгир ёгиши билан ҳаракатланади ва одамлар учун қувонч бўлиб, тирик— ям-яшил тусни олади. Ерни ўлганидан сўнг тирилтира оладиган зот, ўликларни қайта тирилтиришга, албатта, қодирдир. Аллох таъоло деди:

«Унинг (Аллохнинг) ягоналиги ва қудратларига далолат қиладиган оят-аломатлардан: Сиз ерни қуп-қурук ҳолатда кўрасиз. Қачон Биз унга сув (ёмгир) ёғдирсак, у ҳарқатга келади ва униб ўсади. Албатта у ерни тирилтирган Зот ўликларни тирилтиргувчидир. У шубҳасиз, барча нарсага қодирдир». (Фуссилат: 39).

«Биз осмондан баракотли сув-ёмгирни ёғдирдик ва бандаларга ризқ бўлиши учун, боғларни, ўриб олинадиган дон-дунларни ва бошлари устма-уст бўлган баланд хурмоларни ундириб ўстирдик. Яна у (сув) билан ўлик шаҳарни-ерни тирилтирдик. (қабрлардан қайта тирилиб) Чикишлик ҳам шунга ўхшайди». (Қоф: 9-11).

Адашган баъзи қавмлар қабр азоби ва неъматларини: «Бу воқеъга муҳолиф бўлгани учун мумкин эмас. Чунки, қабрни очиб кўрилса, ўлик ўзининг аввалги ҳолатида турипти. Қабр эса на кенгайибди ва на торайибди» деб гумон қилишиб, инкор этадилар. Бу гумон шаръий, ҳиссий ва аклий далиллар билан ботилдир.

Шаръий далиллар:

Қабр азоби ва неъматларига далолат қиладиган наслар (вахий матнлари) охиратга иймон келтиришга кўшимча бўлган нарсаларни «б» факрасида айтиб ўтилди.

Имом Бухорийнинг «Саҳихи»да Абдуллох ибн Аббос -розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. У деди: «Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам Мадинанинг баъзи бўстонларига чиқиб, қабрларида азобланаётган икки одамнинг овозини эшитдилар... ва: «Уларнинг бири ўз сийдигидан сакланмас, иккинчиси эса чакимчилик қилар эди. — дедилар».

Ҳиссий далиллар:

Уйқудаги одам тушида воқеъга мутаносиб нарсаларни кўради. Хатто, у, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламни ҳам ўз сифатлари билан кўриши мумкин. Зеро, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламни тушида кўрган киши, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламни айнан кўрган бўлади. Шундай бўлсада, ухлаётган одам кўрган нарсасидан жуда олисда, ўз хонасида кўрпасига ўраниб ётган бўлади. Бундай ишлар дунё ишларида мумкин бўлар экан, охират ишларида қандай мумкин бўлмасин?!

Аммо юқоридаги одамларнинг: «Қабрни очиб кўрилса, ўлик ўзининг аввалги ҳолатида турибди. Қабр на кенгайибди ва на торайибди» деган гумонларига бир неча хил жавоб бериш мумкин.

Биринчи жавоб:

Шариат олиб келган хабарларга бундай хунук шубхалар билан караш мумкин эмас. Агар ушбу сўзларни айтаётган кимсалар шариат олиб келган нарсалар хакида чуқурроқ ўйлаб кўрсалар эди, ушбу хабарларнинг ботил эканини ўзлари ҳам билиб олар эдилар. Бир шоир куйидаги шеърларни айтиб тўғри сўзлаган:

«Тўғри сўзни сўзлаган канча-канча одам борки,
унинг офати нотўғри тушунишдадир»

Иккинчи жавоб:

Барзах хаёти хиссиёт аъзолари идрок эта олмайдиган гайб ишларидандир. Агар уни хиссиёт аъзолари идрок эта олганда эди, гайбга иймон келтиришни фойдаси йўқолар ҳамда гайбга иймон келтирган ва иймон келтирмаган кимсалар баробар бўлар эдилар.

Учинчи жавоб:

Кийнок, неъматлар, кабрнинг кенглиги ва торлигини, бошқалар эмас, майитнинг ўзи хис килади. Холбуки, уйкудаги одам тушида ўзининг тор ва кўркинчли жойда ёки кенг ва рохатбахш ўринда эканини кўради. Худди шу пайтда бошқаларга нисбатан унинг ўз хонаси ва кўрпасидаги ухлаб ётиши ўзгармайди.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам сахобалар билан турганларида вахий нозил бўлар, буни сахобалар эшитмас, фаришта баъзида инсон шаклида намоён бўлиб сўзлар, сахобалар уни на кўришар ва на эшитишар эди.

Тўртинчи жавоб:

Махлукотларнинг идрок этиши Аллох таъоло берган имкон билан чекланган. Улар барча мавжудотларни идрок этиш имкониятига эга эмаслар. Шунинг учун ҳам, етти кават Осмон, Ер ва улар ўртасидаги барча нарсалар Аллох таъолога ҳамду тасбихлар айтадилар-ки, Аллох таъоло буни гоҳо ўзи хоҳлаган бандасига эштиради. Шундай бўлсада, бу нарсалар биздан пардаланган. Аллох таъоло бу хакида шундай деди:

«Етти Осмон, Ер ва улардаги нарсаларнинг барчаси (Аллохни) поклар. Мавжуд бўлган барча нарсалар ҳамду сано айтиш билан уни поклар. Сизлар уларнинг тасбих айтиб—поклашларини англамайсизлар». (Исроъ: 44).

Жин ва Шайтонлар Ер юзида юрадилар, бироқ биз уларни хис этмаймиз. Уларнинг бир гурухи Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келиб, Куръон тиловатини жим туриб эшитдилар ва ўз кавмларига огохлантирувчи бўлиб кайтдилар. Аллох таъоло бу тўғрида шундай деди:

«Эй одам болалари, Шайтон отангиз (ва унинг жуфти) иковларини авратларини ўзларига кўрсатиш учун уларнинг либосларини ечиб, жаннатдан чикарганидек сизларни ҳам фитналантириб кўймасин! Чунки, у ва унинг малайлари (жин шайтонлар) сизлар уларни кўрмайдиган тарафдан, сизларни кўриб турадилар. Биз Шайтонларни иймонсиз кимсаларга дўст килиб кўйдик». (Аъроф: 27).

Демак, махлукотлар, модомики, барча нарсаларни идрок эта олмасаларда, далиллар билан собит бўлган гайб ишларини инкор этишлари мумкин эмасдир.

Кадар (такдирга) иймон келтириш

Кадар—Аллох таъолонинг нарсаларнинг бўлишидан аввал билиши ва унинг хикматининг такозосига мутаносиб ўларок, бутун Коинот учун кўйган ўлчовидир.

Кадарга иймон келтириш тўрт нарсани ўз ичига олади.

Биринчи: Аллох таъоло барча нарсаларни улар хох ўзининг, хох бандаларнинг ишларига тааллуқли бўлсин азалий ва абадий, умумий ва батафсил суратда билган эканига ишониш.

Иккинчи: Аллох таъоло барча нарсани «Лавхул-Махфуз»га ёзиб қўйган эканига ишониш.

Аллох таъоло бу икки нарса хакида шундай деди:

«Сиз Аллох таъоло Осмон ва Ердаги барча нарсани билишини, бимайсизми?. Булар китобда (Лавхул-Махфузда) бордир. Албатта буларнинг барчаси Аллохга осондир». (Хаж: 70).

Имом Муслимнинг «Сахих»ларида Абдуллох ибн Амр ибн Ос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «У киши деди: мен Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламнинг: «(Аллох таъоло) махлуқотларнинг тақдирини Ер ва Осмонни яратишдан эллик минг йил аввал ёзиб қўйган» - деб айтганларини эшитдим».

Учинчи: Барча нарсалар, улар хох Аллох таъолонинг ишлари хох махлуқотларнинг ишларига тааллуқли бўлсин, Аллох таъолонинг хохиши билан бўлишига ишониш.

Аллох таъоло деди:

«...Ва парвардигорингиз хохлаган ва ихтиёр қилган нарсасини ярата олади». (Касас: 68).

«Аллох таъоло хохлаган нарсасини қилади». (Иброхим: 27).

«У сизларга оналарингиз қорнида қандай хохласа шундай сурат беради». (Оли Имрон: 6).

Аллох таъоло бандаларнинг ишларига тааллуқли нарсалар хакида шундай деди:

«Агар Аллох хохласа, уларни сизларнинг устингиздан ҳукмрон қилар ва улар сизларга қарши уруш қилар эдилар». (Нисо: 90).

«Агар Аллох хохласа, улар бундай қилмас эдилар. Уларнинг тўқиган уйдирмалари билан қўйиб қўйинг». (Анъом: 137).

Тўртинчи: барча мавжудотлар ўз зоти, сифатлари ва ҳаракатлари билан Аллох таъолонинг махлуқотларидир. Аллох таъоло деди:

«Аллох таъоло барча нарсанинг яратувчисидир, холбуки, У барча нарсага вақилдир». (Зумар: 62).

«Аллох таъоло барча нарсани яратди ва ўлчаб қўйди». (Фурқон: 2).

Аллох таъоло Иброхим алайҳис-саломнинг ўз қавмига айтган сўзларини келтиради:

«Аллох таъоло сизларни ва сизларнинг амалларингизни яратди». (Софват: 96).

Юқорида айтиб ўтганимиздек, тақдирга иймон келтириш банданинг ишларидаги ихтиёри, хохиши ёки қудрати бор эканини инкор этмайди. Чунки, шариат ва воқеълик бунинг исботига далолат қилади.

Шариатнинг далолати:

«Хохлаган қимса, қайтиши учун парвардигори томон йўл олсин». (Набаъ:39)

«Экинзорингиз (хотинларингиз)га хохлаган ҳолатингизда яқинлик қилинг». (Бақара: 223).

Қудрат хакида эса, Аллох таъоло шундай деди:

Аллох таъолодан қудратингиз етганича тақво қилинг ва қулоқ солинг ва итоат қилинг». (Тағобун: 16).

«Аллох таъоло ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани тақлиф қилмайди. Хар ким яхши амал қилса ўзининг фойдасига, ёмон амал қилса ўзининг зиммасигадир». (Бақара: 286).

Вокеликнинг далолати:

Хар бир инсон ўзининг хоши билан рўй бераётган бир ишни қилиш ёки қилмаслик, ўтириш, юриш қаби ҳаракатлар билан, титроқ сингари ўз хошидан ташқари бўлган нарсалар ўртасини фарқлай оладиган хоши ва қудрат бор эканини билади.

Бирок, банданинг хоши ва қудрати Аллох таъолонинг хоши ва қудрати билан содир бўлади.

Аллох таъоло деди:

«.....Сизлардан тўғри йўлда бўлишни хоҳлаган кишиларга эслатмадир. Сизлар бутун оламлар парвардигори бўлмиш Аллох хоҳласагина хоҳларсизлар». (Тақвир: 28-29).

Чунки, барча Қоинот Аллох таъолонинг мулки бўлиб, Унинг мулкида Унинг илми ва хошисиз бирон нарса содир бўлмайди. Биз тақдирни тавсиф этганимиздек иймон келтириш, бандага зиммасидаги масъулият ва тоат ибодатларни тарқ қилиш, ёки гуноҳларни қилишга ҳужжат бўлмайди.

Биринчидан Аллох таъоло деди:

«Хали мушриклар: «Агар Аллох хоҳлаганда на биз ва на аждодларимиз ширк келтирмаган ва бирон нарсани харом қилмаган бўлардик» дейдилар. Улардан илгаригилари ҳам то азобимизни тотигунларича мана шундай ҳакни рад қилганлар. Айтинг олдингизда бизга кўрсатадиган бирон ҳужжатингиз борми?! Сизлар фақат гумонга эргашасиз. Сизлар фақат ёлгон гапирасиз». (Анъом: 148).

Уларнинг тақдир билан ҳужжат келтиришлари тўғри бўлса эди, Аллох таъоло уларга балосини тоттирмаган бўлар эди.

Иккинчидан: Аллох таъоло деди:

«Пайгамбарлардан сўнг одамларнинг Аллохга қарши ҳужжатлари бўлмаслиги учун пайгамбарларни ҳушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Аллох таъоло Азиз ва Ҳаким зотдир» (Нисо: 165).

Агар тақдир Аллох таъолонинг ҳукмига муҳолиф бўлган қимсалар учун ҳужжат бўлса эди, пайгамбарларни юбориш билан рад қилинмаган бўларди. Зеро, пайгамбар юборилганидан сўнг муҳолиф бўлиш ҳам, Аллох таъолонинг тақдир билан содир бўлади.

Учинчидан: Имом Бухорий ва Имом Муслим Алий ибн Аби Толиб розияллоху анҳудан ривоят қилдилар: У деди: «Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам: «Сизлардан хар бирингизнинг жаҳаннам ёки жаннатдаги жойи тақдирда ёзиб қўйилган»— дедилар. Сўнгра, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам ушбу оятни тиловат қилдилар: «Аммо берган ва тақво қилган қимса..» (Бу Бухорий ривояти. Муслим ривоятида эса, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам «Хар бир киши ўзи яратилган нарса учун муяссар қилинади»- дедилар).

Пайгамбаримиз Муҳаммад -саллаллоху алайҳи ва саллам- амал қилишга буюриб, тақдирга суянишдан қайтардилар.

Тўртинчидан: Аллох таъоло бандани баъзи нарсаларни қилиш ва баъзи нарсаларни қилмасликка ҳамда уни қодир бўла оладиган насаларгагина буюрди. Аллох таъоло деди:

«Тоқатингиз борича Аллох таъолодан тақво қилингиз!». (Тағобун:16).

«Аллох таъоло хар бир жонга ўз тоқатига қараб тақлиф қилади» (Бақара:286)

Агар банда Аллох таъоло томонидан бирон ишни килишга мажбур килинса эди, унда токат кила олмайдиган нарсаларга таклиф килинган ва ундан халос бўла олмаган бўлур эди. Бу (токатидан ташкари нарсага мажбуран буюрилиши) - ботил ишдир. Шунинг учун хам, билмасдан ёки унутиб ёки зўрлаш окибатида содир этган гунохидан банда масъул эмасдир.

Бешинчидан: Аллох таъолонинг такдири махфий сир бўлиб, такдирдаги нарса содир бўлганидагина ошкор бўлади. Банданинг килмокчи бўлган нарсасини хохлаши, шу нарсани килишдан олдин содир бўлади. Демак, унинг бир нарсани хохлаши, Аллох таъолонинг такдирини билишликка асосланган эмас. Шундай экан, шахсни билмаган нарсасида хужжати бўлмагани учун, такдирни хужжат килиши бекор бўлади.

Олтинчидан: Биз инсоннинг ўзи ёктирган дунё ишларига эришмагунича интилавериши, ёктирмаган нарсаларига берилмаслиги ва бу берилмаслигига такдирни хужжат килмаётганини кўрамиз. Бунинг каршисида у диний ишларда, ўзи учун фойдали бўлган нарсалардан зарарли нарсаларга кайрилиб, такдирни хужжат килади? У ва бу холат бир хил эмасми?

Буни тушунтириш учун сизга бир мисол келтирамиз. Фараз килингки, бир одамнинг олдида икки йўл бор. Йўлларнинг биринчиси бошбошдоклик, котиллик, обрўларни тўкиш, хатар ва очарчилик хукмрон бўлган шахарга, иккинчиси эса интизом, осудалик, фаровонлик, шахсларни обрўларини ва молмулкини химоя килиш хукмрон бўлган шахар томон олиб боради. Хўш, у кайси йўлдан боради? Шубхасиз, у иккинчи йўлдан юради. Аклли одамнинг эса, бошбошдоклик ва хавф-хатар бўлган шахар томон юриши ва бунга такдирни хужжат килиши мумкин эмас. Шундай экан, нима учун инсон, жаханнам йўлидан юради ва бу юришига такдирни хужжат килади?!

Иккинчи мисол: Бемор учун дори тайинланади-да, у уни хохламсада истеъмол килади. Ва зарар киладиган таомлар такикланади-да, у уларни хохламсада истеъмол килмайди. Зеро, бу ишларнинг барчаси шифо топиш ва соглик илинжидадир. Унинг такдирни хужжат килиб, дорини истеъмол килишдан бош тортиши ёки зарар киладиган таомни истеъмол килиши мумкин эмас.

Шундай экан, нега инсон такдирни хужжат килиб, Аллох таъоло ва Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам буюрган нарсаларни тарк килади ёки Аллох таъоло ва Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам таъкиклаган ишларни килади?.

Еттинчидан: Аллох таъоло буюрган ибодатларни килмаслиги ёки таъкиклаган ишларни килишга такдирни хужжат килаётган кишига бирор киши тажовуз килиб, унинг мол-мулкини тортиб олиб, обрўларини тўкиб: «Мени маломат килма! Менинг тажовузим Аллох таъолонинг такдири билан бўлди» деса, у бу хужжатни кабул килмайди. Шундай экан, яъни, такдирни хужжат килиб бировнинг ўзига тажовуз килишини кабул килмас экан, банда кандай килиб такдирни ўзи учун Аллох таъолонинг хаккига тажовуз килишида хужжат килади?!

Ривоят килинади-ки, Амирул-муъминийн Умар розияллоху анхунинг хузурига ўгрилик килган бир кишини олиб келдилар. Амирул-муъминийн унинг кўлини кесишга хукм килдилар. Жиноятчи: «Эй амирул-муъминийн, шошилманг, ахир мен Аллох таъолонинг такдири билан ўгирладимку!», деганида Умар розияллоху анху унга жавобан: «Биз хам Аллох таъолонинг такдири билан (кўлингни) кесамиз» - дедилар.

Такдирга иймон келтиришни улкан самаралари бор. Шулардан:

Биринчи: сабабларни килиш пайтида сабабларга эмас, балки, Аллох таъолонинг ўзигагина суяниш. Чунки, барча нарса Аллох таъолонинг такдири билан бўлади.

Иккинчи: тақдирга иймон келтирган шахс ўз максадига эришгач мағрурланмайди. Чунки, бу эришиш Аллох таъолонинг тақдир килиб кўйган яхшилик ва муваффақият сабаблари билан берган неъматидир. Инсоннинг ўзи билан мағрурланиши эса, ушбу неъматга бўлган шукронани унуттиради.

Учинчи: хотиржамлик Аллох таъолонинг жорий бўлган тақдирдан рухининг лаззат олиши, бунинг натижасида эса инсон севимли нарсага эриша олмагани ёки ёқтирмаган нарсани содир бўлиши билан безовталанмайди. Чунки, бу – Ер ва Осмонлар мулки кўлида бўлган Аллох таъолонинг тақдири билан бўлган ва бўлиши муқаррар эди. Аллох таъоло бу ҳақда шундай деди:

«Ерга ёки ўзингизга етган мусибат, Биз яратишимиздан аввал Китобда (ёзиб кўйилган) эди. Бу— Аллох таъолога осондир. Сизлар эриша олмаган нарсангизга афсус килмаслигингиз ва сизга (Аллох таъоло) берган нарсалар билан кибру хавога берилмаслигингиз учун (эслатдик). Аллох таъоло фахрланган мутакббирни ёқтирмайди» (Хадид: 22-23).

Пайгамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Муъминнинг ишига хайрон қоламан. Унинг барча иши яхшидир. Бу факат муъмин учунгинадир. Агар унга яхшилик етса шукр қилади. Бу унинг учун яхшидир. Агар унга зарар етса, сабр қилади. Бу унинг учун яхшидир» (Муслим ривояти.)

Тақдир бобида икки тоифа адашди:

Биринчи тоифа—жабрыйялар. Улар: «Инсон ўз амалларини килишда мажбурланган бўлиб, унинг ўз ишларида хошиш ва қудрати йўқ»- деб айтадилар.

Иккинчи тоифа—қадарийялардир. Улар: «Инсон ўз амалини килишда хошиш ва қудрат билан мустақилдир. Унинг амалида Аллох таъолонинг хошиш ва қудратининг асри ҳам йўқдир»- деб айтадилар.

Биринчи тоифа —жабрыйяларга шариат ва воқелик билан раддия берамиз.

Шариат билан раддия шуки, Аллох таъоло банда учун ирода ҳамда хошишни исбот этиб, унга амал қилишни ҳам қўшиб қўйди. Аллох таъоло деди:

«Сизларнинг айримларингиз дунё ҳаётини, айримларингиз охиратни хошлайдилар» (Оли Имрон: 152).

«Айтинг: Ҳақиқат парвардигорингиз тарафидандир. Бас, хошлаган киши иймон келтирсин, хошлаган киши кофир бўлсин. Биз золимлар учун жаҳаннамани тайёрлаб қўйдик-ки, унинг алангалари золимларни қамраб олади» (Қаҳф: 29)

«Ким солих амални қилса, у ўз фойдаси учундир. Ким ёмонлик қилса, у ўзининг зарари учундир. Парвардигорингиз бандаларга зулм қилувчи эмас» (Фуссилат: 46).

Воқелик билан раддия шуки, ҳар бир инсон ўз хошиши билан қилаётган ейиш, ичиш, савдо-сотик сингари ихтиёрий ишлари билан, ихтиёрдан ташқари хароратининг қўтарилиши, титроқ ва баландликдан йикилиб тушиш сингари содир бўлган ишларнинг ўртасини фарқлай олади. Яъни, у биринчи ҳолатда мажбурсиз, ўз ихтиёри билан ҳаракат содир этган, иккинчи ҳолатда эса содир бўлган нарса унинг хошишисиз ва ихтиёрисиз бўлган.

Иккинчи тоифа қадарийяларга эса, шариат ва ақл билан раддия берамиз.

Шариат билан раддиямиз шуки, Аллох таъоло барча нарсаларнинг Яратгувчисидир. Ҳар бир нарса Унинг хошиши билан вужудга келган. Аллох

таъоло ўзининг Китобида бандаларнинг амаллари ҳам Аллох таъолонинг хохиши билан содир бўлишини баён қилиб, шундай деди:

«Агар Аллох таъоло хоҳласа, ҳужжатлар келганидан сўнг улардан кейинги кишилар урушмас эдилар. Бирок, улар ихтилоф қилдилар. Уларнинг баъзилари иймон келтирди ва баъзилари кофир бўлди. Агар Аллох таъоло хоҳласа, улар урушмас эдилар. Бирок, Аллох таъоло ўзи хоҳлаган нарсасини қилади» (Бақара:253)

«(Биз) Агар хоҳласак, ҳар бир жонга ўз ҳидоятини берар эдик. Лекин Мен томонидан муқаррар бўлди: Шубҳасиз, мен жаҳаннамни жин ва инсонларнинг барчаси билан тўлдираман» (Сажада: 13).

Ақл билан раддиямиз эса, бутун Борлик Аллох таъолонинг мулкидир. Инсон эса шу борликнинг бир қисмидир. Демак, у ҳам Аллох таъолонинг мулкидир. Зотан, қул ҳоҷасининг мулкида ҳоҷанинг изни ва хохиши билангина тасарруф қилиши мумкин.

Ислом ақидасининг мақсадлари

«Мақсад» сўзининг мазмуни кўп бўлиб, шулардан бири: «интилиш учун кўйилган гоё ва қасд қилинган барча нарсалар».

Ислом эътиқодининг мақсад ва буюқ гоёлари шу эътиқодни қабул қилишга асосланади. Бу гоё ва мақсадлар кўп ва хилма-хил бўлиб, уларнинг баъзилари қуйидагилардир:

Биринчи: ниёт ва ибодатни Аллох таоло учун холис қилиш.

Чунки, Аллох таъоло шериги бўлмаган яратувчи-Ҳоликдир. Демак, қасд ва ибодат Аллох таъолонинг ўзи учунгина бўлиши фарздир.

Иккинчи: ақл ва фикрни, қалбнинг шу эътиқоддан холи эканидан вужудга келадиган бошбошдоқлик гирдобиди сарсон бўлиб тентирашидан озод қилиш.

Чунки, бу эътиқоддан қалби бўш қимса, қалби барча эътиқодлардан холи ва фақатгина ҳиссий моддага ибодат қилган, ёки эътиқодлар ва ҳурофотларнинг залолат биёбонида дарбадар юрган бўлади.

Учинчи : фикрий ва рухий роҳат.

Бунинг натижаси эса, инсон руҳиятда безовта, фикрлашда беқарор бўлмайди. Чунки, бу эътиқод муъминни ўз Ҳолиқига боғлайди. Бунинг оқибатида муъмин киши Аллох таъолонинг бошқарувчи парвардигор, қонун чиқарувчи ҳоким, деб рози бўлади-да, унинг қалби Аллох таъолонинг тақдиридан қониқиш ҳосил қилади. Дили Ислом учун қенг бўлади-да, унинг ўрнига бадал изламайди.

Тўртинчи: Аллох таъолога ибодат қилиш ёки халқлар билан муомала қилишда мақсад ва амалнинг ҳурофотдан саломат бўлиши.

Чунки, мақсад ва амалнинг асоси — йўлларига эргашганлар учун соғлом мақсад ва соғлом амални қафолатловчи пайгамбарларга иймон келтиришдир.

Бешинчи: ишлардаги қатъийлик ва жиддийлик. Муъмин савоб умидида солих амалларни қилиш учун ҳар бир фурсатни қанимат қилади ҳамда гуноҳ содир этилаётган ўринлардан қасдан қўриқиб ўзек бўлади.

Чунки, буларнинг асоси – қайта тирилиш ва амалларга лойиқ муқофот берилишига иймон келтирилишидир. Аллох таъоло деди:

«Ҳар бир кишининг қилган ишларига қараб мақомлари бўлади. Парвардигорингиз (бандалар) қилаётган нарсалардан гофил эмасдир» (Анъом:132).

Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам ушбу гоёга қуйидаги сўзлари билан рағбатлантирдилар: «Қучли муъмин заиф муъминдан қўра яхшироқдир ва

Аллохга севимлирокдир. Уларнинг хар иккисида хам яхшилик бор. Ўзингизга фойдали бўлган нарсага харис бўлинг ва Аллох таъолодан ёрдам сўранг, ожизлик килманг! Агар бирор мусибат етса: «Агар ундай килсам, бундай бўлар эди» - деб айтманг. Чунки, «агар» сўзи Шайтонни амал (йўл)ларини очиб беради» (Имом Муслим ривояти.)

Олтинчи: ўз динини ўрнатиш ва дин устунларини мустахкамлаш учун ўзидаги кадр-кимматли бўлган барча нарсаларни фидо этадиган ва бунинг йўлида этадиган мусибатларга эътибор бермайдиган кудратли умматни вужудга келтириш.

Бу ҳақда Аллох таъоло шундай деди:

Аллох таъолога ва Расулуллох (саллаллоху алайхи ва саллам)га иймон келтирган ва Аллох йўлида моллари ва жонлари билан жиход килган кимсалар, ана ўшаларгина, садокатлидирлар» (Хужрот: 15).

Еттинчи: шахс ва жамоаларни ислох килиш билан дунё ва охират бахт-саодатига хамда Аллох таъолонинг ажр ва савобларига эришиш.

Аллох таъоло деди:

«Эркакми ё аёлми — кимда-ким муъмин бўлган холида бирон яхши амал килса, Биз унга покиза хаёт насиб этамиз ва уларни ўзлари килиб ўтган энг гўзал амаллари сабабли бериладиган ажр-савоблар билан мукофотлаймиз» (Нахл: 97).

Бу санаб ўтганларимиз, Ислом эътиқодининг мақсад ва гояларининг баъзилари, холос.

Биз бу мақсадларни ўзимиз ва барча мусулмонлар учун рўёбга чиқаришини Аллох таъолодан умид килиб қоламиз.